18 10 93

Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 16 октябрь • Шанба • № 117 (14145) ترکستان * TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФРАНЦИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Франция Президенти Франсуа Миттераннинг таклифига биноан шу йил 27—30 октябрь кунлари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Францияга расмий давлат ташрифи бўлиб ўтади.

Шу сонга хабар

ЯНГИ ТАРИФЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Шаҳар ва шаҳар атрофи транспортида йўловчи ташиш, алоқа хизматлари ва коммунал хизмат айрим турларининг амалдаги тарифларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шундай қилиб 1993 йил 16 октябрдан бошлаб шаҳар ва шаҳар атрофи транспортида йўловчилар ташишнинг чекланган нархлари — ўрта ҳисобда 1,75 баробар, коммунал хизматларнинг айрим турлари ўрта ҳисобда 2 баробар оширилди. Телефондан фойдаланиш, хат ва телеграммалар юбориш тарифлари ҳам кўтарилди.

Республика аҳолисининг айрим тоифаларига ушбу хизматлар учун бериладиган амалдаги имтиёзлар сақланиб қолинади.

Амалдаги тарифлар МДҲ давлатлари орасида энг арзони эканини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Андижон машинасозлик заводида ишлаб чиқарилган «Дизел Т—62—1» маркали мотор ва «ПЧХ—0,5» маркали юклагич ҳозир Таиланд, Покистон, Куба, Монголия, Чехия ва Словакияда муваффақият билан ишлатилмоқда. Чунки бу моторлар ихчам ҳамда кам ёнилғи сарфлайди. Биргина Сурия Республикасининг ана шундай моторлардан 22 минг дона харид қилгани корхона маҳсулотининг нақадар харидоргирлигидан далолат беради. Яқинда завод меҳнат жамоаси Афғонистон ва Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳам шартнома тузди.

Ҳозир завод меҳнат аҳли янги — «Дизель Т—62—2» маркали мотор ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.

«ХОТИРА» ЖАМҒАРМАСИ ТУЗИЛДИ

Нурота туманининг Ғозғон қўрғонида «Хотира» хайрия жамғармаси тузилди. Унинг асосий мақсади қўрғон ҳудудидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга, кўп болали оналарга, қаровчисини йўқотган кишиларга ёрдам беришдан иборат. Аҳрор Ашуров, Ғаффор Обидов, Бойназар Тоғаев, Зокир Худойқулов, Шукур Раҳимов, Саид Ниёзов каби донгдор чўпон ва ишчилар ҳозирдаёқ жамғарма ҳисобига 350 минг сўм пул ўтказди, 5—10 бошдан қўй топширди.

ЁШЛАР ЖАМҒАРМАСИ

Марҳамат туманида «Ёшлар жамғармаси» тузилди. Жамғарма ҳисобига туман хўжалик ва ташкилотлари даромаднинг уч фоизигача миқдорда пул ўтказадиган бўлди. Бу маблағ тумандаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга, ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга сарфланади. Шунингдек, жамғарма маблағи ҳисобидан туман марказида ва қишлоқларда кичик корхоналар, ишлаб чиқариш цехлари очиб, янги иш жойлари ташкил этилади.

ШИФОБАХШ БУЛОҚ

Конимех туманида шифобахш булоқ кўз очди. Бу ерда чўпонлар учун аталган саломатлик маскани қурилиши бошлаб юборилди. У 8 гектар майдонни эгаллайди. Асосий бинодан ташқари клуб, қишки ва ёзги чўмилиш ҳавзалари ҳамда даволаш хоналарига эга бўлади.

ЯНГИ КОН ТОПИЛДИ

Қоровулбозор нефть ва газ қидирув экспедициясининг Файзулла Тўхтаев раҳбарлик қилаётган бурғувчилар гуруҳининг бир неча ойлик қидирув ишлари муваффақиятли тугади. Қизилқум саҳросининг Шода участкасида янги газ кони топилди. Мутахассислар 2650 метр чуқурликдаги газ заҳиралари катталигини аниқлади.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН — ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ АЪЗОСИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган халқаро молия корпорацияси вице-президенти Уильям Райри Ўзбекистон раҳбарияти, республика вазирликлари вакиллари билан мулоқотлар, музокаралардан сўнг 15 октябрь куни журналистлар билан суҳбатлашди.

Жаноб У. Райри шу йил сентябрь ойида Ўзбекистон халқаро молия корпорациясига (ҲМК) аъзоликка қабул қилинганидан журналистларни воқиф этар экан, корпорация билан республикамиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари истиқболли бўлишига умид билдирди. ҲМКнинг Ўзбекистонга нисбатан узоқ муддатга мўлжалланган режаларини тавсифлаб берди. Жумладан, халқаро молия корпорацияси ишбилармонликнинг равнақини таъминлайдиган хусусий молия ташкилотларини ривожлантиришда, чет эл сармоядорларини жалб этиш сиёсатини ишлаб чиқишда, хусусийлаштиришни амалга оширишда Ўзбекистон ҳукуматига кўмаклашишини таъкидлади. Мамлакатимизга техникавий ва молиявий ёрдам юзасидан бир неча лойиҳалар тайёрланаётганини айтди.

Шундан сўнг жаноб Уильям Райри ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Эркин Боқибоев маҳаллий ва чет эл журналистларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

«ҲОСИЛ—93»

СУРЪАТ ОШМОҚДА

Мамлакатимиз пахтазорларида мустақилликнинг иккинчи йили ҳосилини йиғиб-териб олиш қизғин паллага кирди. Буни пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотдан ҳам билса бўлади. Ўтган куни кунлик суръатда 3,42—3,73 фоиздан хирмон уйишга муваффақ бўлган Тошкент, Андижон, Қашқадарё ҳамда Навоий вилоятлари меҳнаткашлари карвонбошилик қилдилар.

Мавсумда 88—82 фоиз пахта тайёрлаган Хоразм ва Бухоро вилоятлари олдинда бормоқда.

Йил бўйи етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда, энг аввало, халқимиздаги ватанпарварлик ҳисси асосий омил бўлаётир. Жумладан, маҳаллий бошқарув идораларининг ташаббуслари ҳам бу борада қўл келмоқда. Хусусан, яқинда Навоий вилояти ҳокими А. Айдарқулов «Вилоят туманларида 1993 йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олишга кўмаклашиш тўғрисида»ги фармойишига имзо чекди. Ушбу ҳужжатда жумладан қуйидагилар таъкидланади: «Ватан иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш йўлида йил ўн икки ой пешона тери тўкиб, мўл ҳосил яратган деҳқонга мадад бериш ҳам қарз ҳам фарз. Ҳалол меҳнат ўз баҳосини топиши керак. Ана шулар инобатга олиниб, вилоят ҳудудидаги барча олий ва махсус ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчилари бир ой муддатга пахта йиғим-теримига жалб қилинди. Бу хайрли ишдан корхона ва ташкилотлар ишчи хизматчилари ҳам четда қолмасликка чорланди. Вилоят ҳокими фармойишида шунингдек, пахтакор ва ҳашарчиларга тиббий, савдо ва маиший, маданий-маърифий хизмат кўрсатилиши тўғри йўлга қўйилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ишнинг кўзини билиб, меҳнаткашларнинг кўнглига йўл топа олган вилоятларда пахта йиғим-терим суръати тобора ошмоқда. Юқорида номлари қайд қилинган вилоятлардаги ишлар аҳволи бундан далолат бериб турибди.

* * *

Бешариқ туманидаги «Рапқон» жамоа хўжалиги пахтакорлари ўтган йили мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлгандилар. Бу Фарғона водийсидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эди. Бу йил ҳам хўжалик меҳнаткашлари йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттириб, пешона тери эвазига етиштирган ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: хўжаликнинг илғор теримчиси Мукамбар Тўраева.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича давлат вазири Даглас Хоггни қабул қилди.

Республика раҳбари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ўзаро муносабатларни янада юксак поғонага кўтариш имконияти мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

— Бизни кўпроқ Буюк Британия билан банк, телекоммуникация, фан, таълим, солиқ соҳаларида ўрнатиладиган ҳамкорлик муносабатлари қизиқтиради, — деди Президент. — Бугун имзоланган ҳужжатлар икки халқ манфаатларига хизмат қилади ва дўстона алоқаларимизни мустаҳкамлайди. Ўзбекистоннинг ер ости ва устки бойликлари ҳамкорлик муносабатларимизга асос бўлади. Янги топилган нефть конлари, қазилма бойликларимиз, пахта, мева-сабзавот маҳсулотларимиз кўплаб хорижий давлатларни қизиқтирмоқда. Мен бу давлатлар қаторида Буюк Британия компанияларини, концерн ва фирмаларини кўришни хоҳлардим.

Жаноб Даглас Хогг қизиқарли суҳбат учун миннатдорлик билдирар экан, Президент билан ҳамфикр эканлигини, таклиф ва истакларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан кейинги мавқеи, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, жуда қисқа муддатда топган обрў-эътибори бизни ҳамкорликка чорламоқда. Менинг бу ерга ташрифим бунинг исботидир, деди у.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

15 октябрь куни Буюк Британиянинг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари давлат вазири Даглас Хогг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинди.

Бош вазирнинг ўринбосари Ў. Султонов Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ва унинг истиқболлари хусусида тўхталди.

— Биз мамлакатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг Буюк Британияга сафарини орзиқиб кутяпмиз, — деди жаноб Даглас Хогг. — Чунки бу амалий ташриф дўстона алоқаларимиз ривожида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шундан сўнг иккиёқлама солиқ солмаслик, маданият, фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик, ўзаро англашувлар ҳақида битимлар имзоланди.

* * *

Шу куни Даглас Хогг республика Олий Кенгашида ва Ташқи ишлар вазирлигида ҳам қабул қилинди.

(ЎзА).

Олтин ўтда синалади, одам—меҳнатда

Фидойи шифокорлар

Қишлоқ шифокори — тиним билмас, фидойилик билан ишлайдиган мутахассислардир. Шифокорлик оддий касб эмас, у истеъдод ҳамдир. Узлари учун ана шу касбни — машаққатли меҳнатни танлаб олган одамлар билан учрашганда мен бунга ишонч ҳосил қилдим. Шаҳрисабз туманидаги қишлоқ шифокорлари Фотима опа Бадалбоева билан Нурилло Зиёдуллаев бурчини, масъулиятни ҳис этиши, касбга меҳр жиҳатидан бир-бирига ўхшайди.

Кунларнинг бирида Ғилон участка шифохонасининг бош шифокори Нурилло Зиёдуллаевни баланд тоғда жойлашган Кўл деган қишлоққа шошилинч чақириб қолишди. Шифокор кўричакнинг қаттиқ оғриғидан азобланаётган 13 яшар қизчанинг олдидан уч кеча-кундуз жилмади. Ҳавони булут қоплаган, Ҳисор тоғи тизмалари тепасида бундай об-ҳаво тез-тез бўлиб туради, санитария авиацияси уча олмайди. Оғир беморни шаҳарга жўнатишнинг иложи йўқ. Маҳаллий шифокорлар боланинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар. Унинг аҳволи енгиллашганидан сўнг Шаҳрисабз тумани марказий шифохонасига жўнатишди.

Зиёдуллаевнинг шифокорлик фаолиятида бундай фавқулодда ҳоллар жуда кўп бўлган. Унинг денгиз сатҳидан 2 минг метрдан зиёд баландликда жойлашган Ғилон қишлоғидаги участка шифохонасида ишлаётганига 10 йилдан ошди.

Дастлабки вақтларда бу ердан кетиб қолгиси келди, туман соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарларидан туғилиб ўсган жойига ишга ўтказишларини бир неча бор илтимос қилди. Кейинчалик у тоғлар орасидаги айни Ғилон қишлоғига ўзининг керак эканлигини тушунди. Бу ерларда сурункасига етти ой қиш бўлади, қорнинг қалинлиги бир метрга етади. Бориш қийин бўлган бу жойларга яхши шифокорлар айниқса керак.

Нуриллодек шифокор камдан-кам учрайди. У кўп нарсага ақли етадиган ҳақиқий қишлоқ «дўхтўри». Мутахассислиги бўйича терапевт, болалар шифокори бўлиб ишлайди, зарур бўлиб қолганда доялик ҳам қилади. Ёрдам беришга вақти-соатида етиб келганидан Ғилондаги кўп оналар ундан миннатдордирлар. Ҳомиладор аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун Нурилло ва унинг касбдошлари ўз қонларини берган, айни пайтда касб ва инсоний бурчларини бажарган ҳоллар кўп бўлган.

Бу ерлик шифокорларнинг маҳорати шундан ҳам маълумки, улар ишлайдиган даволаш муассасасида она ва болалар ўлими йўқ. Ҳолбуки қишлоқ участка шифохонасида кўп одам ишламайди — бор-йўғи икки шифокор, тўрт фельдшер, ўнтача ҳамшира бор. Шунга қарамай шифохона атрофдаги ва тоғда жойлашган қишлоқларнинг 5 мингдан ортиқ аҳолисига хизмат қилади. Қишлоқ амбулаторияси ҳам шу даволаш муассасаси таркибига киради.

Яқинда шифохона янги бинога кўчиб ўтди. Махсус қурилган бинода болалар ва терапия бўлими, туғруқхона мавжуд. Янги ташхис ва даволаш ускуналари ўрнатилди.

— Бу беморларга малакали тиббий хизмати кўрсатиш имкониятларини кенгайтирди, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими мудираси Фотима Бадалбоева. — Кейинги йилларда қишлоқда соғлиқни сақлаш ишларида яхшилик томон кўп ўзгаришлар бўлди. Чунончи, Ҳисарак ва Сарчашмада янги участка касалхоналари барпо этилди, қишлоқ даволаш амбулаториялари қурилмоқда. Бунинг натижасида шу жойларда ва бошқа олис қишлоқларда яшовчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Улар илгари узоқ йўл босиб туман марказига қатнашга мажбур бўлишарди. Бу ўзгаришлар кишини қувонтиради. Лекин ҳал бўлмаган муаммоларимиз ҳам анчагина.

Бу хайрли ўзгаришларга Фотима опанинг ўзи ҳам анчагина меҳнат сарфлаган. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Шаҳрисабздаги ўзи кўп йиллардан бери бош шифокор бўлиб ишлаётган 1-марказий шифохонада янги жарроҳлик бўлими очилди, оғир беморларга ёрдам бериш учун реанимация хизмати зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Бош шифокор тасарруфидаги хўжалик каттагина: марказий стационар, амбулатория, унга яқин участка шифохонаси ва тумандаги ихтисослашган шифохонадан иборат. Фотима опа шу шифохоналарнинг ҳаммасидаги ишлардан хабардор. Унинг «УАЗИК» машинаси ҳар куни тоғли йўллар бўйлаб ўнлаб километр йўлни босиб ўтади. Турли қишлоқлардаги юзлаб аёллар Фотима опани ўз болаларининг тутинган онаси дейишлари мумкин. Бадалбоева ўз касбини яхши биладиган шифокор. Кўпгина аёлларнинг кўз ёришига ёрдам бериб, она-боланинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам берган.

Нурилло Зиёдуллаев сингари туғилиб ўсган қишлоғидан олисда яшаш, ҳаммага зарур бўладиган жойни ташлаб кетмаслик... ёш она ҳаётини сақлаб қолай деб, паст-баланд йўллардан тоғдаги овулга жадал етиб бориш, бемор тепасида кеча-кундузлаб жилмай ўтириш, бунинг устига уйидаги ўз болаларига илҳақлик... — булар осон иш эмас.

Ҳа, осон иш эмас. Лекин бурчини тушунган одам бошқача йўл тута олмайди.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

Расмий ташриф муносабати билан

Эрон Ислом Республикасининг Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний жанобиолийларнинг таржиман ҳоли

Ҳужжат ул-Ислом Вал Муслимин Акбар Ҳошимий Рафсанжоний 1934 йилда Рафсанжон шаҳрида таваллуд топиб, беш ёшидан таҳсил ола бошлади. Ўн тўрт ёшида диний илмлар бўйича сабоқ олиш учун Қум шаҳрига келади.

1967 йили шоҳ тузуми даврида ўз сафдошлари билан биргаликда «Мактаби ташаййу» («Шиалик мактаби») нашр органини таъсис этади.

Имом Хумайний бошчилигида собиқ шоҳ тузуми истибдодига қарши курашгани учун бир неча бор қамоққа ташланди.

1979 йилда, Ислом инқилоби ғалабасидан сўнг қамоқдан озод этилиб, янги ташкил топган инқилобий кенгашга аъзо этиб тайинланади ва мамлакат ишларини идора қилишда фаол қатнашади.

1980 йилда инқилоб раҳбарларининг баъзилари билан биргаликда Эрон Ислом Жумҳурияти партиясини таъсис этади ва айни вақтда ички ишлар вазирлигига бошчиликни ўз зиммасига олади. Шу йилнинг ўзида «Ислом маслаҳат кенгаши»га бўлиб ўтган сайловда Теҳрондан халқ ноиблигига, кейинроқ эса янги тузилган парламентга раис этиб сайланади.

1981 йили марҳум Имом Хумайнийнинг «Олий мудофаа кенгаши»даги вакили этиб тайинланади ва кейинчалик шу кенгашнинг раиси қилиб сайланади.

1983 йили янги конституцияни ишлаб чиқиш бўйича экспертлар мажлисига Теҳрон аҳолисининг вакили, сўнгра мазкур мажлис раисининг биринчи ноиби этиб сайланади.

1984 йили иккинчи марта парламент раиси этиб сайланади ва марҳум Имом Хумайний фармонига кўра «Маданий инқилоб олий кенгаши»га аъзо бўлиб киради.

1988 йили ҳарбий кучлар бош қўмондонининг ўринбосари ва Қуролли Кучларнинг бевосита раҳбари лавозимига тайинланади.

1989 йилнинг 28 июль куни Эрон Ислом Республикасининг Президенти этиб сайланади.

1993 йил июнь ойида президентлик сайловларида голиб чиқиб, иккинчи бор президентликка сайланди.

Ҳужжат ул—Ислом Вал Муслимин Акбар Ҳошимий Рафсанжоний диний, тарихий ва ижтимоий соҳаларда ёзилган кўпгина китоблар муаллифидир.

Оилали, 3 ўғил ва 2 қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати

БИЗНИНГ ШАРҲ

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Неча минг йиллик тарих ва маданият маскани, қадимий асотирлар ва меъморий обидалар ватани, ўнлаб шеърият даҳоларини вояга етказган мамлакат... Эрон ҳақида ўйлаганимизда, аввало, ана шу тавсифлар ёдга келади. Тарихимиз ва маданиятимизда муштарак жиҳатлар ниҳоятда кўп. Зеро, Эрон ва Турон халқлари ҳамиша ёнма-ён яшаб келишган. Улар ўртасида низолардан кўра ҳамфикрлик, ҳамкорлик, қариндошлик алоқалари кўпроқ бўлган. Сарҳадлар қўриқланмаган пайтларда сайёҳлар, савдо карвонлари тўхтовсиз қатнаб турган. Яратилган китоблар ва санъат асарлари ҳам тезда бир ўлкадан иккинчи ўлкага етиб борган. Чунки Шарқда ҳар бир саводхон киши араб, форс ва турк тилларини мукаммал билган.

Эроннинг янги тарихи 1979 йили февралидан бошланади. Кейинги 15 йил давомида мамлакат ўзига хос тараққиёт йўлидан борди. Бу йўлни республика асосчиси Имом Хумайний «Шарқий ҳам эмас, Ғарбий ҳам эмас, Исломий», деб таърифлаган эди. Албатта, бу йўл айрим Ғарб давлатларида бошқача талқин этилди. Мамлакат ақидапарастликда, қўпорувчиликни қўллаб-қувватлашда айбланди. Халқаро майдонда яккалаб қўйишга ҳаракат қилинди.

Эрон иқтисодига Ироқ билан бўлган саккиз йиллик уруш ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Ана шу уруш туфайли миллионга яқин киши ҳалок бўлди. Умумий зарар 350—400 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Ғарбнинг иқтисодий жазо чоралари туфайли нефть экспорти камайиб кетди. Ваҳоланки, экспортдан келадиган даромаднинг 90 фоизи нефтни сотишдан олинарди. Бу даромад 21 миллиарддан 10 миллиард долларга тушиб қолди. Озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишга ҳар йили 3 миллиард доллар сарфлайдиган мамлакат учун албатта, бу жиддий йўқотишдир. Ҳозирги пайтда Эрон ҳукумати саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқда.

Кейинги йилларда Хумайнийнинг шогирди, мамлакат Президенти Ҳужжат ул-Ислом Акбар Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигида Эронда бир қанча ислоҳотлар амалга оширилди. Инқилобдан кейин аёлларнинг кўчада қора чодирсиз юриши, кино ва замонавий музика тақиқланган бўлса, ҳозир бу борада айрим эркинликларга рухсат берилди. Жумладан, аёллар қора ёки гулдор рўмол ёпиниб юришлари мумкин. Сайёҳликни ривожлантириш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди. Ғарб давлатлари билан муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилинмоқда. Миллий тикланишни ўзининг бош мақсади қилиб олган мамлакат раҳбарияти қўшилмаслик ва барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсатини юргизмоқда.

Шу йил июль ойида ўтказилган сайловлар натижасида А. Ҳошимий Рафсанжоний иккинчи муддатга Президент этиб сайланди. Президент сифатида қасамёд қилиш маросимида у Эрон жаҳонда маданий ва маънавий марказ сифатида шуҳрат топиши зарурлигини, бунинг учун ҳеч қачон қалтис сиёсат юргизмаслигини таъкидлади. Эрон раҳбари мамлакатдаги ақидапарастлар ва ислоҳот тарафдорлари ўртасида мувозанатни сақлашга, тадрижий ўзгаришлар йўлидан боришга интилмоқда.

Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар аста-секин ривожланиб боряпти. Ўзаро дипломатик муносабатлар 1992 йил 10 майда ўрнатилган эди. Республикамиз раҳбари Ислом Каримовнинг ўтган йили ноябрь ойида Эрон Ислом Жумҳуриятига сафаридан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик миқёси янада кенгайди. Шу йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистон ва Эрон ўртасида 185,1 минг долларлик товар айирбошланди. Эроннинг «Порс групп» ва «Сепанд групп» фирмалари ишлаб турибди, бир неча қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган Эрон тасвирий санъати кўргазмаси, августда ўтказилган савдо-саноат кўргазмаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Эрон Ислом Жумҳуриятининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпоёгоний яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг шарқшунослик институтига форс тилининг кўп жилдли мукаммал луғатини, Алишер Навоийнинг дастхати нусхасини туҳфа этди. Республика маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ҳузурида Ўзбекистон—Эрон дўстлик анжумани самарали иш олиб боряпти. Тошкент—Теҳрон ҳаво йўли очилишига ҳозирлик кўрилмоқда.

Албатта, қадимий ҳамкорлик анъаналарига эга бўлган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар миқёси янада кенгайиши зарур. Эрон раҳбари Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг мамлакатимизга сафари бу ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаш имконини беради.

Носир МУҲАММАД.
(ЎзА).

«Ўқитувчи–93»

КЕЛАЖАККА КАФОЛАТ БОР

Оила ва мактаб дунёси фарзанднинг вояга етиб, камол топишида муҳим аҳамият касб этади. Инсонни билимли, тарбияли, энг яхши фазилатлар соҳиби этиб, жамиятга тайёрлаш осон иш эмас, албатта. Ота-она ва муаллимдан бунинг учун жуда катта меҳнат, ақл-идрок, куч-ғайрат талаб этилади.

Фарзанд уйидан чиқиб, мактабга боради. Уни ўта зукко, ўз ишига билимдон, ҳақиқий тарбиячи-муаллим кутиб олиши шарт. Агар ўқитувчи ана шу хусусиятлар эгаси бўлмаса, бунинг оқибатини ўйлаб кўринг. Бутун келажак жабр кўриши мумкин. Шу маънода гапирсак бугунги кунда мактабларда ҳаёт қандай? Ушбу масканларда меҳнат қилаётганлар замон талабларига озми-кўпми жавоб беришлари учун қанчалик ҳаракат қилмоқдалар?

Яқинда Акмал Икромов тумани 129-мактабда «Ўқитувчи—93» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда туманнинг олти мактабидан ўқитувчилар қатнашдилар. Кўрик-танловдан мақсад юқорида таъкидлаганимиздек, ўқитувчиларнинг ўз ишига муносабати, билим тажрибаларини синаб кўриш. Ақида Тўлаганова, Абдуҳалил Раҳимов, Галина Талалаева танловда муваффақиятли қатнашиб, ўз билим-маҳоратларини намойиш этдилар. Ақида Тўлаганова ғолибликка эришди. Демак, унга ишонса бўлади. Ақида каби муаллимлар туфайли келажакда баркамол фарзандлар етишишига кафолат бор.

СУРАТЛАРДА: танлов ғолиби — Ақида Тўлаганова. ва ҳакамлар.

Суратчи: К. ЎЛМАСОВ.

Заки Валиди ТЎҒОН

ХОТИРАЛАР

[Боши ўтган сонда].

Бир неча кун бу ерда қоласизлар», деди у. «Биздан ярим ой аввал Қобулдан бу ерга келган Усмон Хўжа, Читралдан келган Абдулҳамид Орипов, Машҳаддан келган Садриддинхон, Тўрабек ва Мустафо Шаҳкулилар қаерда эканлар, улар билан қандай кўришса бўлади? Биз улар билан ўз мамлакатимиз масалаларини гаплашишимиз керак. Бу ҳақда Қобул элчиси орқали мурожаат қилгандик», деган гапимга волий: «Мен улар жойлашган манзилни билмайман. Сизларнинг бу ерда тўпланишларингизга ҳам рухсат қилмаяжакман. Умуман, биз ўз мамлакатимизда ҳукумат тепасига социалистлар келишини хоҳламаймиз. Ишчилар партиясидан ҳукумат раиси мистер Мак Дональд айни пайтда Советлар мамлакати билан дўстона муносабатлар ўрнатмоқчи. Биз Ҳиндистонни Советларга қарши қаратилган ҳар хил сиёсий ҳаракатлар майдонига айлантирмаяжакмиз. Буни билиб қўйинглар», деди. Унинг бундай такаббурона гапларидан жаҳлим чиқди. Олдидаги қоғозларига қараб-қараб саволлар бера бошлади. Лекин мен унга: «Мен буюк бир миллатнинг таниқли вакилиман. Мен билан хотиржам ўтириб... очиқ юз билан гаплашинг. Сўроқларингизга жавоб қилмайман. Хоҳласангиз, бизни Афғонистонга қайтариб юборарсиз», дедим. «Ўзингиз биласиз», деб жавоб берди у. Форсча гаплашди. Мен унга: «Худо ҳафизи шума»(Худо сизни паноҳида асрасин) дедим. Чиқиб меҳмонхонага жўнадик. Ҳаддан ташқари кайфиятим бузилганди. Орқамиздан айғоқчилар келаётганини кўрдим. Бир ерда овқатланиб чиқмоқчи бўлдик. Полицейларнинг бири олдимизга келиб: «Сизнинг овқатланадиган ерингиз меҳмонхона», деди. Мен унга: «Сиз мажбур қилиб едирадиган насибани емаймиз, бозордан олиб ермиз, меҳмонхонада ҳам қолмаймиз», дедим. Қисқаси аҳвол жуда оғир эди. Шу вақтда бу ерда бир бухоролик одамни учратиб қолдим, у билан бироз гаплашдик. У Ҳабиб Раҳмон Бухорий номли бир татар имоми билан таништирди. У ҳам уйига чақирди: бухоролик одамнинг бизни кузатувчи айғоқчилардан бири эканлигини сезгандим, уйига бордик. У ўзини Бухоро амирлигида хизмат қилган одам, деб таништирди. Уйида тўпланган рус газеталарини кўриб чиқишга ижозат берди. Кейинроқ, шунингдек, Бухоро амирлигида хизмат қилган Мирбадалов деган бир одамнинг ҳузурига олиб борди. Бу кишини Бухоро амирининг таржимони сифатида 1914 йилдан бери танирдим. У ҳам, шубҳасиз, Бухоро амиридан кўра инглизларга кўпроқ хизмат қиларди. Бу одам 1917 йил инқилобидан бери менга қарши курашган ҳуқуқчи бошқирд Шоаҳметовнинг Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан Сибирь йўли орқали Манжурияга кетганини айтди. У билан алоқа қилиб тураркан, унга менинг Қобулга келганимни хабар қилибди, Шоаҳметов жавоб хатида менга ҳам хат йўллабди, ўша хатни берди. Бу мен учун бир совға бўлди. Чунки, Шоаҳметов 1917 йилдаги Туркистон конгрессларида мухториятга ва менга қарши жиддий курашувчилардан бири эди. Ҳозир эса менинг ҳақ эканлигимни тан олиб, кечирим сўраб, мазкур хатни ёзибди экан. Шу заҳотиёқ унинг Шоаҳметов ёрдамида айниқса, полк бошлиғи Олимжон Туғон билан алоқа ўрнатиш имконияти борлиги эсимга келди. Лекин инглизларнинг 1918 — 1919 йилларда Сибирда бўлганларида Бошқирдистон ва Туркистон Миллий бўлимлари билан ўзларигина эмас, бошқа хорижий юртларнинг ҳам алоқага киришишларига йўл бермаганларини ҳисобга олиб, Шоаҳметовга ёзган хатларимни Пешовардаги инглиз почтаси орқали жўнатмасдан Бомбейга келгач, Узоқ Шарққа кетмоқчи бўлиб турган Италия пороходи орқали жўнатдим. Инглизларнинг Россияга қарам мусулмонларни оқ бўладими, қизил бўладими, барибир рус ҳукмронлиги остида қолдиришга бўлган ҳоҳишини Мирбадалов ҳам, Ғарай тўқсаба сингари Бухоро амири кишилари ҳам жуда яхши билишарди. Ҳайдархўжа Мирбадаловнинг Самарқандда яшаган ўзбек генерали Мирбадалов билан бирор яқинлиги йўқ. «Хўжа» қўшимчаси пайғамбар авлодларига қўшилади. Лекин бу киши Ҳайдар лақабни ўзига-ўзи («сайидлик») даражасини қўшиш мақсадида тақиб олган. Амалда эса бир қозонлик савдогарнинг ўғлидир. 1913 йилда Бухорода бўлган вақтимда менга оиласи тарихини сўзлаб берган эди. Ўша вақтда «Бухоро номдарлари» деган тожикча (баъзан ўзбекча) газета чиқарди. Ҳозир у мени худди қадрдон дўстидай самимий кутиб олди. Амирнинг молиявий ишлари вазири бўлган, шунга афсусланади. Менга Ҳиндистонда босилган, баъзи либерал руҳда ёзилган асарлар, шу жумладан, мазкур юртнинг мусулмон файласуфи ва шоири Муҳаммад Иқболнинг ўша вақтларда босилиб чиққан «Шарқли месанзари (мактуби)» номли асарини берди. Бу таниқли шоир ва мутафаккирнинг кўп шеърларини бухородалик вақтимдаёқ Мирза Абдулқодир

СУРАТДА: Буюк олим ва сиёсат арбоби Заки Валиди Тўғон.

4

КЕЧА
БУГУН
ЭРТАГА

● «МУСТАҚИЛ Чечен Республикаси фуқаролари Россия Федерацияси давлат думасига сайловларда иштирок этишмайди». Республикада сайловга тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида тарқатилган хабарлар ҳақиқатга тўғри келмайди ва бу миш-мишлар республика ҳамда унинг атрофидаги сиёсий вазиятни кескинлаштиришга қаратилгандир, дейилади Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида.

● ГАГАУЗИЯ ва Днестрбўйи ҳукуматлари яқинда Москвада бўлиб ўтган октябрь воқеаларининг фаол иштирокчилари Виктор Алкснис ва Илья Константиновни яшириб туришгани ҳақида тарқатилган хабарни рад этди. Кишинёвдаги БАСА — ПРЕСС агентлигининг таъкидлашича, уларнинг ҳар иккиси Молдова жанубидаги Комрат шаҳрида яшириниб юришибди.

● АҚШ сенати аъзолари президент Билл Клинтоннинг Сомалига нисбатан юргизаётган сиёсатига қарши чиқди. Улар Амриқо ҳарбийларини Сомалидан олиб чиқиб кетиш, бу тадбирни 1993 йилнинг охиригача тўлиқ амалга ошириш зарур, деган фикрни билдирмоқда.

● ГВАТЕМАЛА Мудофаа вазирлигининг хабарига кўра, ҳукумат қўшинлари ва исёнчилар ўртасида давом этаётган жанглар натижасида энг камида 4 киши ҳалок бўлган, 27 нафар одам яраланган.

Можаронинг бошланишига Президент Рамиро де Леон Карпионинг янги тинчлик режаларини баён қилгани сабаб бўлган. Унда айрим жамоат ҳамда касаба уюшмаси ташкилотлари танқид қилинган эди.

● НИКАРАГУА полицияси Манагуада сандиночиларга қарши гуруҳ раҳбари, заҳирадаги майор Дональд Мендосни қўла олди. У ҳукумат уйи яқинида ҳибсга олинди. Д. Мендоснинг айтишича, у ҳукумат вакиллари билан учрашиб, ўзаро келишмовчиликни тинч йўл билан ҳал этмоқчи бўлган.

● ЖАНУБИЙ АФРИКАДА биринчи умумий сайлов кейинги йилнинг апрель ойида ўтказилади. Жанубий Африка Президенти Фредерик де Клерк Кейптаундаги «Озодлик ташкилоти» раҳбарлари билан учрашув чоғида бу ҳақда маълумот берди.

● ТОЖИКИСТОННИНГ Афғонистон билан чегарадош бўлган Ишкашим туманидаги тоғли қишлоқлардан бири — Андаробда уч нафар контрабандачи қўлга тушди. Текширилганда уларнинг ёнидан Афғонистонга яширинча олиб кетилаётган 20 килограмм гиёҳванд модда топилди. Улар устидан тергов ишлари давом этмоқда.

Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келяпти. Энг аввало бу Орол денгизи фожиасига тааллуқли. Кейинги йилларда унинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирғоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашув даражаси тўрт бараварга ошди, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни қум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси минтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ экспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан 20 асрнинг энг катта офатларидан бири бўлиб қолди.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирамиз.

Фалокатнинг ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол муаммоси бўйича махсус комиссияси ташкил қилинишини ёқлаб чиққан бўлур эди.

(И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқидан).

ОРОЛ БОЛАЛАРИ

Меҳр БОНУнинг (Меҳрибон Қурбонниёзова) тиши «Туркистон»да чиққан. «Ёшлар матбуотида ички сиёсатнинг долзарб муаммолари» мавзусида диплом иши ёқлади-ю, Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетидан тўғри «Ёш ленинчи»га ишга келди. Уч йил газетанинг ёшлар сиёсати бўлимида ишлади.

Талабчан. Қизиқувчан. Яхши суҳбатдош. Долзарб ва теша тегмаган мавзулар топишга ҳавасманд. Орол қизи.

Таҳририят қарори билан газетанинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ўз мухбири қилиб тайинланди.

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА ҳам бутун дунёда Орол ҳақида кўп гапирилади. Кўҳна замин жароҳати кўп йилларки нафақат Марказий Осиёни, балки бутун дунёни ташвишга солмоқда.

Шу орада Орол болалари дунёга келдилар. Улар тақдирлари учун ҳеч кимни айбламайдилар, нолимайдилар.

Орол болалари бўлиш пешонага ёзиқ эканини тушиниш... ва яратганга шак келтирмаган ҳолда... шундай тақдирга маҳкум этилганликни тан олишдан бошқа чора йўқ.

Ўттиз йиллар олдин Орол боласи атамаси бугунгидек алоҳида таъкидланмасди, айтилганда ҳам фахр туйғуларини туюшарди.

Энди Орол боласи дейилган заҳот қайсидир жаннатмакон жойларда ҳаёт кечираётганларнинг юз-кўзларида сенга ачиниш, қайғуриш маъносини уқасан. Баъзан кўнглингга озор етказмаслик чорасида таскин сўзларни айтадилар. Тўғри, тақдир уларга қаттиққўл. Пешонасини кўпам силамади. Бу эса айнан уларни мард этди. Ғам-ташвишга бардош берди. Яхши ҳаёт нималигини тушунтирди. Ватан қадрини англатди.

Орол болалари оғир, босиқ, жиддий. Шу билан бирга руҳан, тетик. Ҳаммаёғи бекамукўст, тараққиёт авжида шаҳарларда туғилиб ўсган тенгдошларига қараганда, уларда ҳаётга муҳаббат, келажакка умид кучли. Ҳуда-беҳудага тушкунликка тушавермаслар. Эзгин, дардчил, кайфият йўқ.

Уларга берилаётган таърифларга бироз ҳайрон бўларсиз. Ахир экологик танглик, иқтисодий қийинчиликлар одамлар орасидаги касалликлар ҳаммадан ҳам уларнинг руҳини сўндириб, қалбан мажруҳ яратмадими? Балки улардаги бу кайфият шунчаки бефарқлик, ҳаёт зарбаларидан карахтлик деб ўйларсиз.

Орол бўйи сафаригача менда ҳам шундай фикрлар бор эди... Қорақалпоқ замини. НУКУС — МЎЙНОҚ — ОРОЛ. Бу кенг, узундан узоқ йўлларда атрофга қараётган кўзларинг, тубсиз ўйларга чўмаётган дилинг чарчаб кетади.

ЭҲ, ТАБИАТ! Бағрингдан одамзодга шунчалар ер берибсанки, керагидан ортиқча. Кўпидан ози яшашга яроқли. Бу ерлардан сув, яшиллик, ҳайвонот борки, бари қочишга улгурган. Энди бу ерлар одамларнинг яқинини узоқ қилишга хизмат этади, холос.

САҲОВАТЛИ ҚУЁШ! Баъзан сендан-да безиш мумкинми? Заминга шунчалар кўп нур сочаяпсанки, керагидан ортиқча. Бирор ўсимлик зоти юрак ютиб бош кўтаролмайди, қуритиб қовжиратасан. Соя-салқин топилмас юртда сендан ўзни панага олишнинг ҳеч иложи йўқ. Аямай инъом этаётган тафтингдан Орол одамларининг юзлари қорайиб кетган. Ёноқларидаги дағал доғлар шундан.

ЭЙ, УЙНОҚИ ШАМОЛ! Бир паст жим туролмасанми? Тузли, ёқимсиз чанг-тўзоннинг кўзни очирмас, томоқлар тиқилади.

ЯРАТГАН ЭГАМ! Одамзодга шунчалар кенг юрак ато этибсанки, керагидан ортиқча. Ҳазилинггаям, синовинггаям, жазоинггаям, ҳаммасига чидамли. Тошса тўпиғига чиқадиган минг йиллик дарё эса жуда ювош...

...Мўйноқ сокин шаҳар бўлиб қолган. Одатда шаҳарга сокинлик тунлари чўкарди. Бугун унинг кундузи ҳам, кечаси ҳам бир хил. Кўчаларда ора-сира кетаётган одамлар, бир-икки машиналар овози бу жимликка ҳалал беролмас. Шаҳар чеккасида, яъни денгиз қочган манзилларда янада кучли сукунат ҳукмрон. Денгизга борар йўлларда сизни қумликлар орасида қолган болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари, катта-ю кичик маданий-маъмурий бинолар қаршилайди. Кимсасиз. Не-не меҳнат, сарф-ҳаражатлар эвазига бунёд этилган иншоотлар бўм-бўш, жимлик қаърида. Уларни кўриб кўз олдингга бу жойларда бир пайтлар сершовқин, ғала-ғовур одамлар юргани, болаларнинг бақир-чақир, қийқириқларига тўла умрлар ўтгани келади. Ҳаёт бунчалар тез тўнини тескари киймаса...

Мўйноқда бугунда 27 минг нафардан ошиқроқ аҳоли яшайди. Булар кўчгандан қолганлар, тақдирига бўйин бўлиб, Ватаним, она тупроғим деган одамлар. Келажакдан умиди бор бандалар.

Юртимизда энг экологик мувозанат бузилган, таҳликали минтақада яшовчи эл — шу эл. Мўйноқ аҳолиси.

Орол муаммоси тилга олингандан буён орадан ўттиз йил ўтди. Бир Орол боласи умри. Шу даврда жабрдийда эл учун, унинг ҳалокати олдини олиш йўлида нималар қилинди, қилинмади сарҳисоб этмайлик-да. Ўттиз йил вақтдан кейин бугун шунчаки ҳеч қандай изоҳларсиз мўйноқликларнинг ҳаёт тарзига бир қур назар ташласак...

Ушбу элнинг асосий ризқурўзи балиқчилик. Мўйноқда бир пайтлар дунёга донғи кетган балиқ саноати комбинати ҳалигача ишлаб турибди. Аҳолининг катта қисми, асосан ёшлар шу ерда меҳнат қилишади. Табиийки, комбинат олдингидек маҳсулот етказиш қудратига эга эмас. Баъзан хом-ашё етишмайди, технологик сабаблар... Комбинат ойлаб тўхтаб қолади. Ҳозирча амал-тақал иш кетаяпти. Ишчиларнинг маоши ҳам шунга яраша. Комбинатда меҳнат қилаётганлар яхши шароит, ортиқча имтиёзлар, кўп ойлик талаб қилолмаслар. Аҳволни кўриб туришибди. Ишсиз қолишмаганига шукр, борига барака қилишади. Шароитга кўникишган.

Консерва заводини айланишимиз тушлик пайтига тўғри келиб қолди. Маҳсулот тайёрлаш цехи бошлиғи Тосмуҳаммад Ўталиев бир гуруҳ аёллар билан нималарнидир тортишарди. Билсакки, тушликда чой билан ичишга ишчилар маъмуриятидан шакар илтимос қилишган. Цех бошлиғи эса фақат елка қисишдан нарига ўтолмабди. «Магазинларда топилмас нарса. Пулингизгаям ололмайсиз. Маъмурият шакар билан таъминлашда ёрдам берса».

Фақат Мўйноқда эмас, ҳамма ерда такрорланиши мумкин бўлган воқеа. Аммо ундан ҳам катта ҳақиқат туғилади. Денгиз дарди билан юрган эл бошига иқтисодий қийинчиликлар ҳам бир юк бўлиб тушмоқда.

Ҳозир айни пишиқчилик. Мўйноқ бозорига йўл оламиз. Шаҳар марказида «Бозор» деб аталган жой кичик, икки қатор расталардангина иборат. Бири бўм-бўш турибди. Бирисида уч хил мева-сабзавот терилган. Уч нафар сотувчи олма, помидор, бодрингни отасининг нархини қўйиб пуллашмоқда. Улар маҳсулотни қиммат сотаётганларича бор. Мўйноқда деҳқончилик кечроқ. Ундаям об-ҳаво айнимасагина. Қорақалпоғистоннинг энг чекка, узоқ манзилига ёнилғи қиммат, транспорт муаммо бўлган бир пайтда бошқа юртлардан мева-сабзавот олиб-келиб сотишнинг ўзи бўлмайди. «Сабзавот дўконига пиёз тушибди» деган хабар бир зумда шаҳар аҳолисига тарқалди-ю, дўкон олдидаги навбатни кўринг. Ёзнинг тез пишиб, тез совийдиган ширин, витаминли неъматларидан Мўйноқ аҳли, болалар бир тўйиб ё еёлади, ё еёлмайди.

Шаҳардаги касалхонага жуда кўп одамлар, турли мамлакатлардан, турли юртлардан олимлар, мутахассислар, текширувчилар, давлат кишилари келишган, кўришган. Улар орасида менинг ташрифим жуда оддий ҳол. Тиббиёт ходимлари назарида бу ҳеч нимани ўзгартирмайди.

Урушдан олдин — 1936 йилда қурилган касалхона. Жарроҳлик бўлими. Палаталар беморларга тўла. Мураккабликлар тиббиётга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Давлат ҳисобидан берилаётган дори-дармонлар эҳтиёждан кам. Асосий қийинчилик замонавий тиббий аппаратларнинг йўқлигидан. Лабораскоп — бу ташхис қўювчи, жарроҳлик вазифасини бажарувчи аппарат ҳалигача етиб келмаган. У эса ҳозирги кунда шу юрт учун жуда-жуда зарурлигини таъкидлашади. Касалхонада сув қувурлари доимий ишламаган. Сув узоқ жойдан келтириб иситилади. Кейин бажарасиз жарроҳлик ва бошқа даволаш усулларини.

Болалар бўлими. Орол болаларининг саломатлик маскани. Озғин, нимжон, беҳол, камқон, турли касалликларга чалинган норасидаларни кўриб юрагинг эзилади. Онанинг бор дунёси — фарзанд. Фарзанд бир оғригани, онанинг шу лаҳзада юз марта ўлиб тирилгани. Бўлим мудири Сафаргул Ибодуллаевадан болалар чалинаётган касалликларнинг келиб чиқиш сабабини сўрадик.

— Ҳар хил сабаблар. Авало атроф муҳитнинг бузилиши, қолаверса болаларни витаминли, кучли овқат билан тўғри овқатлантирмаслик. Санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик. Шунингдек касал оналардан касал болалар туғиляпти.

Болалар эса яшашлари керак. Фақатгина Орол фожеаси туфайлигина эмас, балки тиббиётнинг ожизлиги, замон талабларига жавоб беролмаслиги туфайли ҳам шундай ҳол юз бермоқда. Шу манзараларни кўриб, била туриб уларга ёрдам бера олмаслигимиз, нажот тополмаслигимиз алам қилади кишига.

Туғруқхона бош гинекологи Ҳолбика Жисмуротованинг айтишича Мўйноқда 90 фоиз аёллар камқон. Турли касалликлар — ошқозон, нафас йўллари, юрак-томир касалликлари билан оғришади. Биринчи фарзанд туғилиб, орадан кераклигича вақт ўтмасдан, ҳали дармонга кириб улгурмаган она яна ҳомиладорлик даврини бошидан кечиради. Бу эса онагаям, фарзандгаям зарар.

Мўйноқ кўп болали халқ. Ҳар бир хонадонда 5—10 нафар фарзанд бор. Эндиликда аёлларга кўп фарзанд кўриш ман қилинмаса-да, ҳар қалай тушунтириш ишларини олиб боришга тўғри келмоқда. Бу тадбирнинг оилани режалаштиришга ҳеч алоқаси бўлмаслиги керак. Чунки шароит шуни тақозо қилади, дейди гинеколог.

Ҳа, биз аёлларга кўп бола туғишнинг оқибатлари ҳақида кўп гапирамизу, уларга кўп бола туғиш учун шароит яратиб беришни эплолмаймиз. Президентимизнинг «Соғлом авлод учун» орден таъсис этгани қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини юрак-юракдан ҳис этасан, киши шундай пайтларда.

Бир пайтлар янги туғруқхона қурилиши бошланган эди. Ярмига етмай чалалигича қолиб кетаверди. Катталар уни 1994 йил битказишни ваъда беришган. Ҳозирча бу режа. Умидбахш режа.

Турли минтақалардан Оролбўйи касалхоналарига тиббий «десант» жўнатишди. Улар 2—3 ой, бир йилгача ишлаб кетишарди. Баҳоли қудрат. Раҳмат шуларгаям. Энди «десантлар»нинг ташрифи камайиб кетган. Районда тиббиётнинг ҳамма мутахассислиги бўйича шифокорлар етишмаслиги жуда сезилади. Ҳар бўлимда бир-икки нафар олий маълумотли врачлар бор. Касбни улуғлаш, инсонга меҳр-шафқат кўрсатиш, нажоткор бўлиш каби ҳар қандай сўзлар билан, шароити оғир, об-ҳавоси ёмон туманда ишлашга ҳаммани ҳам даъват этолмайсиз.

Ташрифимиздан бир ой олдин бу ерга америқоликлар келиб, аҳоли камқонлигини текширганлар. Улар ўз текширув кўрсатгичларини янада синчиклаб ўрганиш учун ўзлари билан олиб кетишган. Нима сабабдан бу касаллик аҳоли ўртасида кенг авж олганлиги ҳақида ҳозирча аниқ фикрга келинмади.

Сув. Гир атрофи катта-ю кичик кўллар билан ўралган, денгиз ён бағрида яшаётган халққа сув етишмайди. Ризқнасибанинг кесилиши ҳам деҳқончилик яхши бўлмаслиги, шаҳар яшилликка бурканиб, соя-салқинлик яратилмаётганлиги, ҳар ким ўз томорқасида кўнгилдагидек экин-текин қилолмаслигига ҳам сувсизлик сабаб. Энг ачинарлиси одамлар тоза ичимлик сувига ёлчимаган.

Туямўйин сув омборидан тоза сув қувурларини шимолий ҳудудга етказиш учун катта қурилиш ишлари бошланган эди. Сўнг Қўнғирот районига келиб тўхтаб қолди. У қачон Мўйноққа етиб келади, буни айтиш қийин. Ҳозирча дарёдан олинган сув район яқинидаги ҳовузда тиндирилиб, кейин аҳоли таъминланаяпти.

Водопроводга сув кун ора, унда ҳам ҳар замонда келади. Сув танқислиги боис кирингни юволмайсан, экинларни тўлдириб суғоролмайсан. Сув номи билан — Обиҳаёт. У инсонга ҳаёт мисол зарур. Инсон ундан беминнат, истаганича баҳраманд бўлиши керак.

Район ҳокими Тожиддин ака Каримзотов яқинда 50 ёшга киради. Сочлари оқарган. Юзларига ажин тушиб қорайган. Кўринишидан жиддий, камгап бу киши билан юрак ёзиб гаплашолмасам керак, деб ўйловдим. Тасаввурим алдади. Тожиддин ака кўнглидагини очиқ гапирадиган одам экан.

— Келажакка умид билдириб, ишониб яшагим, ҳар бир ишда яхшиликни кўпроқ ўйлагим келади. Бошимизга кулфат тушди, бизга мадад беринг, дея илтижо қилиб, кун ўтказиш аҳмоқона иш. Экологиянинг кундан-кунга ёмонлашиб кетаётгани ҳақиқат. Аммо биз дуч келаётган ҳаётдаги муаммо — тўсиқларга уни ҳам айблайвериш инсофдан эмас. Биринчи навбатда айбни ўзимиздан қидирайлик. Яшаш тарзимиз, ебичишимиздаги нотўғри хатти-ҳаракатларимиз туфайли йўлиқаяпмиз ҳар тур бало-қазоларга. Бизларга ёрдам беринг, қарз беринг, халқимизни боқинг дея давлатга қараб ўтираверсак, ўзимиз эса ҳаракат қилишни истамасак, биз ишлаш нималигини яхши билмаймиз. Озгина жон койитиб, ўзимизда кўп нарсанинг имкони бўлмаса, сал нарироққа бориб ер олиб деҳқончилик қилсак ва шунга ўхшаш тадбиркорлик чораларини қидирсак... бўлмайдими? Ёшлар орасида ишсизлар жуда кўп. Нега? Чунки уларга яхши иш керак. Енгил-елпи ишлар. Яна таъкидлаб айтаманки, шароит оғир. Энди-энди хонадонларни газлаштиришга киришилди.

Аҳоли ижтимоий турмушига ҳам эътиборимиз четда эмас. Имкон қадар тўйларда, яхши-ёмон кунларда, ночор, ногиронларга, кўп болали хонадонларга озиқ-овқатлар, ёрдам пули тарқатилмоқда. Халқ турмушини яхшилашда, кўп муаммоларни ҳал қилиш учун қўлимиздан келган чора-тадбирларни кўряпмиз.

— Ўзга юртлардан кўчиб келувчилар-чи? Келин тушираётганлар ҳам борми?

— Ўзга юртлардан кўчиб келувчилар йўқ. Аммо бошқа ерлардан келин тушираётганлар кўп. Масалан, менинг турмуш ўртоғим Тошкент вилоятининг Янгийўл районидан. Яқинда тўйимизнинг 25 йиллигини нишонлаймиз. Беш фарзанднинг ота-оналаримиз. Муҳаббат қаерда бўлмасин, тантана қилади. Бу ҳақда ёшларнинг ўзларидан сўраб, бир фикрлашсангиз, яхши.

Дарҳақиқат, ҳоким оға айтганидек, «Муҳаббат бор жойда ватан бор, келажак бор». Муҳаббат ҳамиша ҳамма нарсадан устун.

Мен Мўйноқда бир-биридан ажойиб, бамаъни, ҳаётсевар, баркамол йигит-қизлар — Бахт, Камол, Қувонч, Салтанат, Собира, Чингизхон, Ботирхон каби дўстлар орттирдим. Орол болалари билан мириқиб гурунглашдим.

— Орол ҳаммага ажойиб мавзу бўлди-да, — кулиб гапиради Камол. — Назаримда унинг баҳс-мунозараси ҳеч тугамайди-ёв. Телевидение, радиоларда биз томонларга юборилаётган «гуманитарний помош» ҳақида тинмасдан айтилади. Ҳар қалай Орол тўғрисида айтилиб турганига ҳам раҳмат, дейсиз. Аммо, бизга ёрдам бермоқчимисиз — аниқ амалий ишлардан гапиринг. Оддий мисол. Тоза ичимлик сув Қўнғиротда тўхтаб қолган. У Мўйноққа етказилганда эди, Орол халқи бир умр ҳақингизга дуо қилиб ўтирарди.

Камол 24 ёшда. Саратовда олий билимгоҳни битказиб, ҳозир ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлайди. Унинг айтишича дунёнинг турли бурчакларидан келаётганлар худди дўзах каби тасаввур қилишаркан бу ерларни. Йўқ, Мўйноқ Сизнинг кўзингизга шундай кўринади. Сиз унга бизнинг кўзимиз билан қаранг, — дейди яна кулиб.

— Тўғри, ҳаётимиз бироз зерикарли, — тан олади Салтанат. — Катта шаҳарлардагидек шарт-шароитлар йўқ. Замонавий кийингимиз, у ёқ, бу ёқларга боргимиз келади. Магазинлар эса қуп-қуруқ. Яхши кийим-кечакларни пулимизгаям тополмаймиз. Ҳайтовур эл ўз урф-одатларини, анъаналарини унутмаган. Тўй-ҳашамлар, ёшлар базмлари, қизлар йиғинлари бўлиб туради. Шулар билан алданасан киши.

— Халқимиз соғломликда, бақувватликда ҳаммани йўлда қолдирарди. Албатта бу бир пайтлар эди. Ҳозир аскарликка чақираётган йигитлар орасида камқонликка учраганлар бор. Агар шундай муаммоларни гапираверсанг, ғам-ташвишдан бошимиз чиқмай қолади. Энг асосийси руҳиятимиз соғлом бўлсин. Тақдирдан қочиб қутулолмаймиз. Нима бўлса ҳалқ билан бирга бўламиз.

Мўйноқлик дўстларимнинг гап-сўзларини эшитиб ўтириб, минг карра ишонч ҳосил қилдимки, ҳақиқатан, ҳам уларнинг руҳияти омон, қалблари соғлом. Энг кераги ҳам шунда.

Мўйноқ сафарида менга ҳамроҳлик қилган район Ёшлар Иттифоқи қўмитаси саркотиби Бахт Мамбетмуродов тўсатдан сўраб қолди: «200 минг сўм ойлик берсак, шу ерларга келиб ишлармидингиз?» Жўяли жавоб айтолмадим. «Гап пулда эмас, муҳими юртга, халққа содиқлик, меҳр-муҳаббатда. Сизда шаклланган руҳиятда. Бу руҳият эса ҳаммадаям шаклланавермайди», дегим келди. Аммо айтолмадим...

...Жазирама қуёш остида кўлда сувга тушиб юрган болакайларни кўриб, Бахтдан болалар ёзги оромгоҳларга жўнатиляптими, деб сўрадим. «Касаба уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳисобидан бир қатор вилоятларга юборилди. Аммо Ёшлар Иттифоқи негадир бу масалани ўйламади».

Бахтнинг гапларини эшитиб улгурмадим, бир боланинг сувга шўнғиганича ҳеч қайтиб чиқавермаганидан хавотирлана бошладим. «Ёрдам бериш керак шекилли» деган гапларимга «Хавотирланманг, Орол боласи чўкмайди», жавобини қайтаришди.

Меҳр БОНУ,
«Туркистон» мухбири.

ва Акоб шоҳ деган дўстларимдан олиб танишгандим, фақат улар матбуотда чиқмаган, қўлёзма ҳолида эди.

Муҳаммад Иқбол. Бомбейда бутун вақтимни Муҳаммад Иқболнинг асарларини ўқиб ўтказдим. Ҳиндистон мусулмонларининг марказий қўмитасига боришим билан бу одамнинг шеърларини беришган эдилар. Пешоварда Мирбадалов совға қилган асарини Иқбол Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони» номли асарига жавобназира тариқасида ёзган эди. Олмонларнинг файласуф шоири мазкур асарни шарқ мутафаккирлари фикрларига асосланиб иншо этган. Иқбол ҳам ўз асарларида Гёте, Ницше, Гегель, Толстой, Карл Маркс каби Оврупо ақл эгаларининг фикрларини юксак бир маҳорат ва маънавий қудрат билан тасвирлайди. Иқбол бутун ислом оламини яхлит тасаввур қилади ва унинг ҳар бир гўшаси қайғу-ҳасратларини жўшиб куйлайди. Иқбол Бухоро, Табриз, умуман Шарқ шаҳарларига жуда самимият билан қарар экан. Чунки, исломиятнинг Ҳиндистонда тарқалиши шу уч шаҳарда етишган устозлар руҳига таянган. Иқбол Туркиянинг Мустафо Камол раҳбарлигида оврупоэликлар устидан қозонган катта ғалабасини мадҳ этган бир шеърида шундай фикрларни илгари суради: «Биз мусулмонлар, бир раҳнамо (пайғамбар) қўл остида бутун жаҳонни Ҳақ таоло юзи томон буролдик. Қўлимизда қурол бўлмаса ҳам кўплаб халқларни забт этдик. Ҳозир эса қўлимизда қурол бўла туриб бу халқлар қўл остида қолдик, — дейди ва Мустафо Камолга қарата мурожаат қилади: отинг югуриб борган жойгача бор, шу кунга қадар посбон бўлайлик, деган фикр билан алдандик, пировардида ҳаммасини қўлдан бой бердик. Энди олға! Қўлдан бой берганларимизни яна қайтариб олайлик».

Мустафо пайғамбаримизнинг номи бўлганлигидан Иқбол Мустафо Камолга қарата ҳам бу исмни мазкур маънода қўллайди ва пайғамбардан кейин ўзига беназир устози деб билган Мавлоно Румий қаторида эслайди, илҳомни Туркиядан кутади: «Оврупо ўз оловини пуркаб, узоқ вақт тинкани қуритган бўлса-да, турк фарзандлари томир отди ва емиш берди. Пайғамбар Муҳаммад Мустафо, риёкор рақиб Абу Лаб унга қанчалик тўсиқ бўлмасин, комил бир инсон бўлиб қолгани каби, туркларнинг мустафоси ҳам, яъни, Мустафо Камол оврупоэликлар билан кураш давомида комил шахс бўлиб етишди. Менинг бу шеъримни ҳинд ва форс ўлчовила ўлчама, чунки, бу шеърнинг мазмуни саҳарларда оққан кўз-ёшларимдан иборат. Кел, Шайх Румий (Жалолиддин Румий) ҳаётидан бир ҳикмат шароби узатайинки, у узум шаробидан-да лаззатлироқдир».

Бомбейда бир мачитга ҳам кирган эдим. Деворга «Яшасин, Мустафо Камол» деб ёзилган ёғоч лавҳага кўзим тушди. Меҳробнинг чап томонидаги икки стулча устида Қуръони Карим билан Маснавий (шеърий достон) турибди. Ҳиндистон мусулмонлари Мустафо Камолни ўз миллий қаҳрамони деб ҳисоблайдилар. Иқбол шеърлари орасида Туркистонга бағишланган ҳаяжонлантирувчи асарлар ҳам бор эди. Масалан, Темурнинг сози бузилди, лекин, оҳанги яшамоқда. Бу оҳанг Самарқанднинг бошқа бир сози-ла яна саҳнага чиқажак.

Иқбол ҳинд (урду), лекин руҳи ва маданияти билан туркларга жуда яқин. «Гарчи ҳинд фарзанди бўлсам-да, кўз нурим Бухоро, Қобул ва Табризнинг пок тупроғидан униб чиққан», дейди. Иқбол Бухоро машҳурларига, Қобулдан чиққан Бобур, Ҳумоюн, Жаҳонгир, шайх Файзулла Қобулийга, Табриздан, айниқса Шамс Табризийга нисбатан чуқур ҳурмат ҳисси сақланганидан бу уч шаҳар тупроғини «кўзимга нур берган пок тупроқ», деб ҳисоблайди. Ҳиндистоннинг маданий ва тафаккур оламида энг буюк инқилоб ясаганлар бошида турган ғазналик Маҳмуд ҳам туркдир. Иқбол Туркистонда яна бир бор бўрон кўтарилиши мумкин деб ўйлайди ҳам унинг Мавлоно ва Шамс Табризийга қарши бир ҳаракат бўлишини сира истамайди: «Самарқанд заминидан яна бир Чингиз бўрони, сув тошқинлари кўтарилмаса, деб қўрқаман. Мутриб, Румий, устоз Табризийнинг шеърларига баробар келадиган ғазал ва байтлар келтирса, жонимни унинг шеърияти ўтига тутиб иситир, дейди. Иқболнинг бундай шеърлари хотирамга шундайгина ўрнашиб қоларди. Шу боис Бомбейда кечирган кунларим мен учун «Иқбол кунлари» бўлиб ёдимда қолди. Биз Россияда Миллатлар иттифоқи жамиятини мазлумларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир нуфуз ва қудрат, улар учун бир ҳимоячи бўлади, деб ташкил этгандик. Иқбол эса шеърларида бу уюшмани «Уруш ичида қолган мулкни таламоққа киришган кафан ўғрилари», деб таҳқирлаб ёзган. Мен у билан Лаҳорда учрашгудек бўлсам, мазкур масалалар тўғрисида гаплашардим. Туркистондаги курашлар ҳам уни ҳаяжонга келтиришига ишонаман. Агар кўришиб, гаплаша олганимизда эди Туркистон курашини жонлантирувчи шеърлар яратиши шубҳасиз эди. Фақат инглизлар бунга йўл қўймади.

Туркистон — Ҳиндистон муносабатининг келажаги. Ҳиндистонда беш ҳафта давом этган саёҳатим машғул бўлган масалаларимизга бошқача нуқтаи назардан қарашга имконият яратди. Бу ерда ўрганганларим 1929 йилда Мисрда нашр бўлган «Бугунги Туркистон ва унинг яқин тарихи» китобимда Туркистон ва Ҳиндистоннинг келажакдаги умумий тадбирлари тўғрисидаги фикрларимни (668—675-бетлар) ёзишга асос бўлди. Кобулдаги сўзлашувларимизда Амударё, Сирдарё, Чу ва Или дарёлари оралиғида қазиладиган янги катта каналлар Қорақум, Қизилқум, Мўйинқум чўлларини ўзлаштириш, шу туфайли ўн миллионларча одамни жойлаштириш имконияти туғилади, бунда Шарқий Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳам ўз таъсирини кучайтирса кўчиб келувчи миллион-миллион славянларга йўл берилмаса, Ўрта ҳам Шарқий Осиё миллатларининг бирлашишига зарурат яратилажак, деган фикрга келган эдик. Туркистон тарихи ҳақида юқорида эслаб ўтган китобимда ҳам шуларни тилга олган эдим. Ҳиндистонда инглиз қироли ўринбосари Лорд Ридингтнинг ёрдамчиси бўлган ва хорижий ишлар билан шуғулланган сэр Олаф Кэру ўзининг 1953 йилда нашр этилган «Совет империяси ва Ўрта Осиё турклари» номли асарида менинг мазкур китобимдан кенг фойдаланган ва Туркистон билан Ҳиндистоннинг келажакдаги муносабатлари хусусидаги фикрларимни тилга олган. 1964 йил бошида Деҳлида шарқшунослар конгрессида иштирок этган вақтимда, Неру яқинларидан қуйидагиларни билдим: сэр Олаф Кэру асарида акс этган фикрларим бир қанча ҳинд атоқли одамлари, шунингдек, Нерунинг ҳам эътиборига тушган, ҳатто бу фикрларни туркчадан тўлиғича таржима қилдириб ўқиган. Бу эса Конгрессда Неру сўзлаган катта нутққа жавоб бериш учун минбарга чиқишимга сабаб бўлди. Менинг жавобимдан сўнг саҳнада яқинлари билан бирга оёққа қалқиб, қўлимни қисган Неру: «Сизни ва асарларингизни бу ердаги дўстларингиз орқали кўп вақтдан бери биламиз», деди.

* * *

СУРАТДА: Вашингтон университетининг профессори Эсонбека хоним Тўғон (Валидининг қизи) ЎзФАнинг Тарих институти кичик илмий ходими Ренат Шаҳобиддинов билан.

(Давоми бор).

5

Мустақиллигимизнинг энг шарафли неъматларидан бири шу бўлдики, ниҳоят, тарихимизни, ўтмиш алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятини, маънавий қадриятларимизни ҳадиксиз, меҳр билан ўргана бошладик. Тасаввуф илми, тариқатлар ва сулуклар, мутасаввуф алломалар ҳикматлари маънавиятмизни, тасаввуримизни бойитмоқда. Қанчадан-қанча авлиёларнинг, пири комилларнинг мавлудларига, хотираларига бағишлаб ўтказилаётган умумхалқ сайил-йиғинлари миллий-маънавий тафаккуримиз уйғонаётганига сабаб бўлса не ажаб!

Қадриятларимиз

Ҳазрати Маҳдуми Аъзам

— «ОЛТМИШ АВЛИЁНИНГ УСТОЗИ ДЕБ ТАЪРИФЛАНАР ЭДИ БУ ПИРИ КОМИЛ, — ДЕЙДИ СУҲБАТДОШИМ, ЎЗФА ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИ БУЛИМИ МУДИРИ

Бахтиёрхон ТУРАЕВ

— Бул зоти шариф тариқат илмидаги фавқулодда муваффақият ва жасорати туфайли «Маҳдуми Аъзам» унвонига сазовор бўлган. Маҳдуми Аъзамнинг шариат ва тариқат қоидаларига, ахлоқ ва илоҳиёт масалаларига оид ўттиздан ортиқ рисоласи маълум. Уларда Нақшбандия арконлари ривожлантирилган бўлиб, Маҳдуми Аъзам инсон ва унинг ақл-идроки, ахлоқий қиёфаси яратганнинг энг муқаддас кашфиётидир, деган ақидага риоя қилади. Унинг фикрича, «Дин ва муқаддас китоблар инсон учун ва инсонни ахлоқий камолотга етаклаш учун берилгандир; инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир».

Бу ўша даврлардаги энг жасоратли ғоялардан бўлиб, одамзоднинг ер юзидаги тартиб ва осойишталикка шахсан масъул эканини алоҳида таъкидловчи, инсонни, ҳар бир мусулмонни фаолликка ундовчи даъват эди. Шул ўринда ҳазратнинг бир ҳикматларини тилга олиб ўтиш лозим деб биламан: «Инсоннинг вазифаси — Оллоҳи таоло томонидан ҳукмига инъом этилган тириклик оламини яшнатишдан, бу дунё неъматлари ила келгуси авлодларни ҳам баҳраманд қилишдан иборатдир».

— Бахтиёрхон ака, Маҳдуми Аъзам ҳазратларининг таваллуди, шажараси, ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берсангиз.

— Нақшбандия тариқатини ўн бешинчи асрнинг охири ва ўн олтинчи асрнинг биринчи ярмида ривожлантирган, такомиллаштирган етакчи назариётчи бўлмиш бул зотнинг тўлиқ исми шарифлари Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний бўлиб, у 1461 (ҳижрий 868) йилда Наманган вилоятининг Косон кентида таваллуд топган. Косон — Косонсой дарёсининг соҳилида жойлашган, саккизинчи-тўққизинчи асрларда Фарғонанинг пойтахти ҳисобланган қадимий шаҳар.

Косоний ёшлигидан Самарқандга келиб, шу ердаги мадрасаларда таҳсил кўради, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг шогирди Мавлоно Муҳаммад Қозидан (Силсилат ул-Орифин» китобининг муаллифи) илм ва маърифат сирларини ўрганади.

Саййид Аҳмад Косонийнинг бобокалонлари Арабистондан Мовароуннаҳрга тариқат сулукларини тадқиқ этиш мақсадида келиб қолган саййидлардан, яъни Муҳаммад Пайғамбарнинг авлодларидан бўлгани сабабли оиласи жуда катта мавқе обрў-эътиборга сазовор эди. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, Косонийнинг ўша бобоси Саййид Камолиддин эди.

Косоний Жонибек Султоннинг таклифига кўра Самарқандда, дастлабки пайтларда эса Кармина шаҳрида яшайди. Кейинчалик Миёнкал оролининг энг сўлим ва ҳосилдор ерларидан бири унга мулк қилиб берилади. Косоний маскан қилиб олган бу жой бора-бора обод қишлоққа айланади. Ўша қишлоқ ҳозир Даҳбед деб аталади. Маҳдуми Аъзам 1542 (Ҳ.949) йили Даҳбедда вафот қилган.

— Маҳдуми Аъзам ҳазратларининг издошлари, муридлари ҳақида ҳам икки оғиз сўз...

— Маҳдуми Аъзамнинг издошлари, муридлари ва мухлислари жуда кўп бўлган. Бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда, ҳатто Ҳиндистонда ҳам бул ҳазратни пиримиз деб эъзозловчилар кўплаб топилади. Баъзи манбаларда Маҳдуми Аъзамни «олтмиш авлиёни етиштирган муршид» («пири шасти») деб таъкидланади. Кўпчилик маърифатпарвар олимлар, ҳукмдорлар, давлат арбоблари, шоиру уламолар Маҳдуми Аъзамга қўл бериб мурид бўлган. Жумладан, Жўйборий ҳожаларидан Муҳаммад Ислом, Шайбоний ҳукмдорларидан Убайдуллахон, Абдулазизхон, Жонибек Султон, темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур унга мурид бўлган.

— Маҳдуми Аъзамнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш бугунги кунда қай аҳволда!

— Тўғрисини айтганда, бу улуғ алломанинг меросини излаб топиш, ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларни аниқлаш ва ўрганиш ишларига энди — қадриятларимизга эътибор ошаётган ҳозирги даврдагина киришдик. Ҳолбуки, чет эллик касбдошларимиз бу борада анчагина ишларни амалга оширган. Шунга кўра, бизнинг диншунос ва файласуф олимларимиз чет эллик тадқиқодчиларнинг Маҳдуми Аъзам ҳақидаги асарларини ўзбекчалаштириш борасида ишлаяпти. Мисол келтираман: Калифорния (АҚШ) дорилфунунининг профессори Ҳамид Алгарнинг «Нақшбандия тариқатининг мухтасар тарихи» асарида Маҳдуми Аъзам ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Бу асарни олима Феруза Муҳаммаджонова инглиз тилидан ўзбекчага ўгирди. Туркиялик таниқли олима Эсонбика Тўғон (машҳур аллома Заки Валидий Тўғоннинг қизи) «Шарқий Туркистон хожалари» номли асарида Маҳдуми Аъзам авлодларининг Шарқий Туркистондаги фаолиятларини тадқиқ қилган. Асарни Феруза Муҳаммаджонова ва Абдуқодир Зоҳидов таржима қилди. Яна А. Зоҳидовнинг ўзи аллома қаламига мансуб «Рисолаи чаҳор калима» асарини форсийдан ўзбекчалаштирди. Мазкур рисола Нақшбандия тариқати арконлари ҳақида бўлиб, ҳазрат мероси орасида муҳим ўрин тутади. Мақсад — ана шу асарларни китоб қилиб чиқаришдан иборат. Қолаверса, Ўзбекистон ФА шарқшунослик институти нодир қўлёзмалар хазинасида сақланаётган Маҳдуми Аъзам қаламига мансуб ўттиздан ортиқ рисола бор.

Бундан ташқари, шу ойнинг охирларида Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида Маҳдуми Аъзамнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий, мусиқий тадбирлар мажмуаси ўтказилади.

— Бу анжуманни ким ташкил этади, унда қандай тадбирлар ўтказиш кўзда тутилаётир!

— Тадбирлар мажмуасини Ўзбекистон Республикаси маънавий маданият тарғиботи маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти, Самарқанд вилояти ва шаҳар, Оқдарё туман ҳокимликлари уюштирмоқда. Унда ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг авлодлари, олимлар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этади. Шу куни меҳнаткашлар билан учрашувлар, оммавий сайил, халқ томошалари бўлади. Шунингдек, Маҳдуми Аъзам жамғармасини ташкил қилиш, унинг номи билан аталадиган боғ бунёд этиш кўзда тутилган. Шу куни олимлар, тадқиқотчилар, руҳонийлар иштирокидаги илмий анжуманда алломанинг маърифий (устоз-шогирдлик) силсиласи ва келиб чиқиши билан боғлиқ насабномаси (шажара) аниқланади, унинг рисолаларини китоб ҳолида чоп этиш масалалари муҳокама қилинади. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмоновнинг ташаббуси билан ушбу тадбирлар мажмуасини ўтказиш ва Маҳдуми Аъзам қадамжосини таъмирлаш ишларига 380 миллион сўм ажратилган. Умуман, Маҳдуми Аъзамнинг бой маънавий мероси ва шахсий ибрати келгуси авлодларни ўтмиш маънавий меросидан баҳраманд қилишда катта аҳамиятга эгадир. Унинг рисолалари ислом қоидаларини тўғри тушунишда, юртимизда пок ахлоқий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Музаффар АҲМАД.
(ЎзА).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Тожикистон Республикаси билан Россия Федерациясининг Тюмень вилояти ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ҳақида узоқ муддатли битим имзоланди. Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А. Абдуллажонов ва Тюмень вилояти маъмурияти бошлиғи Л. Ракетский, Россия Федерацияси, ёқилғи ва энергетика вазири Ю. Шафранник битимга имзо чекди.

Ҳужжатга мувофиқ, бундан буён божхона орқали ўтадиган транзит транспорти учун қулай шароит яратилади. Тюменда Тожикистон—Тюмень савдо уйи ташкил этилади.

Келгуси йилдан бошлаб тожикистонлик мутахассислар Тюмень вилоятида нефть қазиш ишлари билан шуғулланади. Тюменликлар эса Тожикистонни нефть маҳсулотлари билан таъминлашда яқиндан ёрдам кўрсатади. 1993 йил охиригача Тюмендан Тожикистонга 400 минг тонна нефть маҳсулотлари етказиб берилади.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

СУРАТДА: АҚШлик журналист Салли Шпан тушлик қилмоқда.

Суратчи Р. ЖАББОРОВ.

Ниқобини очганда...

ҚУРЪОННИ СОТГАН ОДАМ

ТОЖИК МУХОЛИФАТИ ЕТАКЧИЛАРИ ОРАСИДАГИ ЭНГ ЁВУЗ ШАХСЛАРДАН БИРИ — ҲОЖИ АКБАР ТУРАЖОНЗОДАДИР

Унинг ҳужжат бўйича исми шарифи қуйидагича: Акбар Тўраевич Қаҳҳоров. 1954 йилда Оржоникидзеобод туманининг Туркобод қишлоғида иккинчи авлод эшон оиласида туғилган. Миллати — тожик. Биринчи авлод эшон — бобоси бу рутбани олдин ўзи қўлида чўпон бўлиб ишлаган эшондан олган. Ҳожи Акбарнинг отаси республикадаги энг бой одамларнинг бири эди. У ҳокимият билан тотувликда яшаган. 1983 йилда ҳажга борган. Ўша пайтда бу жуда қийин, ҳар икки-уч йилда республикадан биттагина одам ҳажга бора олар эди. У бу ишни осонлик билан ҳал қилди. Ўғли Акбарни Бухородаги мадрасага ўқишга жойлаштирди. Акбар таҳсилни кейин Тошкентдаги Ислом маъҳадида давом эттирди. У аслида ўқишни ҳам қотириб қўйгани йўқ. Кўрганларнинг айтишича, унинг пули кўп бўлган. Пули кўплигини яширмаган ҳам. Бу пулларга у «майда харажат»лардан ташқари, олдин мадраса, кейин маъҳад ўқитувчи ва раҳбарларига баҳона топиб қимматбаҳо совғалар қилган. Шу туфайли мадрасада ҳам, маъҳадда ҳам ўқишдан кўра айшини суриб юриш ҳуқуқига эга бўлган.

Барча ўқув юртлари қатори диний ўқув юртлари талабалари ҳам пахта теримига чиқарди. Шундай пайтларда олдин Бухорога, кейин Тошкентга Туркобод қишлоғидан Қаҳҳоровлар оиласининг муридлари келиб, эркатой Акбар ўрнига пахта теришарди. Бухорода ҳам, Тошкентда ҳам «бойвачча»нинг домлаларини зиёфат қилиш учун ойида икки марта қўй сўйиларди. Акбар қийналмаслиги, маишатдан маҳрум бўлмаслиги учун унга Тошкентда катта ҳовли сотиб олиб берилган, бу ерда у муридлари билан кайфу сафо сурар эди. Маъҳадни тугатганидан кейин А. Қаҳҳоров Иорданиянинг Уммон дорилфунунига ўқишга юборилади. Бу — ўша пайтда мингдан бир кишига насиб қиладиган инъом эди. Бу инъомга эга бўлиш учун ҳокимият билан қуюқ алоқада бўлиш ёки диний фаолиятда ҳокимиятга маъқул бўладиган катта ишлар қилиш лозим бўларди.

Иорданияда таҳсилни тугатганидан кейин А. Қаҳҳоров бир-икки йил Тошкентдаги Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг халқаро алоқалар бўлимида референт бўлиб ишлайди. 1988 йилда ўттиз тўрт ёшар Акбар Қаҳҳоров кутилмаганда Тожикистон мусулмонлари қозиси этиб тайинланади. Унинг бу «ўсиш»ида тинимсиз равишда қимматбаҳо совғалар олиб турган москвалик ҳомийларнинг ҳам хизмати бор эди, албатта. Серғайрат, уддабурон, эпчил Акбар Қаҳҳоров шароитни ўрганиб олади-да, қайноқ фаолиятини бошлаб юборади. Акбарнинг омади бор экан, у ҳокимиятга келган пайтида Горбачёвона қайта қуриш туфайли динга ҳам муносабат ўзгарган эди. Ҳар қадамда мачит қуриш одат тусига кирди. Ҳар бир маҳалла ҳашаматлироқ мачит қуриш бўйича ўзаро мусобақа ўйнашга тушди. Ислом қонунларини ўргатувчи расмий ва норасмий мактаблар кўпайди. Диний адабиёт оммавий тиражларда нашр этила бошланди. Юзлаб одам ҳаж қилиш имкониятига эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси давлат сиёсати туфайли амалга ошаётган эди, албатта. Аммо қози уялмай-нетмай, бу ишларнинг барчасини ўзим амалга оширяпман, деб жар солди. Қайта қуриш даврида яширин иш олиб борган, айримлари давлатга қарши ва бошқа жиноятлари туфайли жиноий жавобгарликка тортилган Ислом ақидапарастларининг етакчилари қозининг обрў-эътибори ошиб бораётганини ҳасад билан кузатар эдилар. Уларнинг фикрича, дин туфайли азият чекмаган, олдинги коммунистик раҳбариятнинг эркатойи бўлган қози Тўражонзода қайта қуришдан кейин ҳам уларни орқада қолдириб кетган эди. Мулла Абдулло (Абдулло Саидов) ва Ҳимматзода сингари арбоблар ҳам ундан анча орқада қолиб кетган эдилар. Мулло Абдулло қозини очиқдан-очиқ фитначиликда айблаб, у республика мусулмонларининг раҳнамоси бўлишга нолойиқ, чунки «фақат бойлигини кўпайтиришни ўйлайди, уни дин манфаатлари эмас, ўзининг шахсий, дунёвий манфаатлари кўпроқ қизиқтиради», дер эди. Бу гапларда катта ҳақиқат бор эди, албатта. Чунки қози уялмай-нетмай, яратганнинг қаҳридан қўрқмай, Саудия Арабистони мусулмонлари ҳадя қилган Қуръони Карим китобларини соттириб юборади-да, тушган пулни ҳамёнига уради.

Ҳимматзода бошлиқ Ислом уйғониш партияси майдонга чиққанидан кейин қози ўзининг республикадаги диндорлар устидан мутлақ ҳокимлигига хавф пайдо бўлганини сезди. Шунинг учун ҳам бу мутлақ ҳокимликни сақлаб қолиш мақсадида партиянинг таъсирини камайтириш учун кураш бошлаб юборди. У, Ислом партиялар тузилишини тақозо қилмайди, партиялар тузилиши Қуръонга хилоф, дея очиқдан-очиқ баёнотлар берди, партиянинг рўйхатдан ўтказилишига қарши курашди. Аммо, кейинчалик, республика раҳбариятининг Ислом уйғониш партияси фаолиятига қарши самарали кураша олмагани, халқ орасида партиянинг нуфузи тобора ошиб бораётганини кўриб, кескин тарзда феълини ўзгартирди: барчани ҳайрон қолдириб, Ислом уйғониш партияси билан ҳамкорлик қила бошлади. Ислом ақидапарастлари ўзини изчил эмасликда айбламасликлари учун у Ислом уйғониш партияси билан дастлабки муносабати Компартия Марказий Комитети ва республика раҳбарларини чалғитиш мақсадида тутилган йўл эди, деган чўпчакни ўйлаб чиқарди. Аслида эса, қози бутун онгли ҳаёти давомида ашаддий ақидапараст эканлигини айтиб кўксига урар ва қасам ичар эди.

Мулло Абдулло билан Ҳимматзоданинг қозига, мулойим қилиб айтганда, сиёсий покизалик ва виждон тозалиги борасида қўйган айбларида жон бор эди. Қозиликнинг яккаю ягона ҳокими сифатида у ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ҳисоблашмас, билган ишини қилар эди. Унинг қозиликда ўтказган дастлабки «ислоҳот»и шундан иборат бўлдики, атрофига қариндош-уруғларини йиғди. Қозиликдаги барча вазифаларни акаси, амакиси, тоғаси, қайноғаси, куёви (синглисининг эри)... ва бошқа яқинлари эгаллади. Вазифа тақсимлашда у битта мезон — ходимларнинг ўзига сўзсиз садоқатидан келиб чиқар эди. Бу орада унинг ҳаммаслаклари доираси ҳам шаклланди. Ҳаммаслаклар худди танлаб олингандек, асосан, савдо ходимларидан — майда ходимчалар эмас, йирик бўрилардан, албатта —омбор, дўкон мудирлари, директорлар ва ҳоказолардан иборат эди. Қози билими, тажрибаси, ишлаш қобилиятидан қатъи назар, ўзига ёқмаган одамларнинг баҳридан ўтиб юбораверарди.

Қуръон қоидаларига зид равишда у биринчилардан бўлиб мусулмонларни ҳақиқий мусулмон ва кофирга ажратиш шиорини ўртага ташлади. Кейинчалик эса ўзининг қарашларини маъқулламаган ва икки юзламачилигини фош қилган мусулмонларга жаноза ўқитмаслиқдек шаккокликка ҳам борди. Муллалар сафидаги муҳолифлари ва айрим диндорлар мана шундай «кофир»лик унвонига «сазовор» бўлган, ҳар қандай мусулмон бундай тавқи лаънатга дучор бўлиши ҳеч гап эмас эди. Қози бундай шаккокларча ҳукм чиқараётгани учун оллоҳ ўзини ҳам жазолаши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмасди.

1988 йилда Кўлоб шаҳрида бўлиб ўтган диндорлар ўртасидаги қирғин-ба-

(Давоми 4-бетда).

МИСРДА БИЛИМ ОЛИШАДИ

Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Шу кунларда Туркия Республикасида 1800 дан зиёд, Америко Қўшма Штатларида 100 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба таълим олаётганининг ўзиёқ фикримизнинг исботи бўла олади.

13 октябрь куни яна 90 га яқин ёш ҳамюртимиз Тошкент тайёрагоҳидан Қоҳирага учиб кетишди.

— Бу республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига қилган сафаридан сўнг икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар янада ривожланиб бораётганидан далолатдир, — деди мухбиримизга Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Назаров. — Талабаларнинг кўпчилиги Шарқдаги энг катта, бообрў Ал-Азҳар дорилфунуни ва дўст мамлакатнинг бошқа олий ўқув юртларида таҳсил олишади. Катта йўлга чиққан Ўзбекистон учун халқаро иқтисодий муносабатлар ва бошқа илмларни пухта эгаллаган ёшлар ниҳоятда зарурлиги ҳаммамизга аён. Хорижий давлатларда билим олаётган талабаларимиз буни жуда яхши ҳис қилишади ва уларнинг барчаси билимдон, ўз соҳасининг моҳир мутахассислари бўлиб қайтишади, деб ўйлаймиз.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **ТУРКМАНИСТОН** мудофаа вазири Данатар Копеков 11 октябрь куни Афғонистон ҳарбий ҳаво кучлари Туркманистонни бомбардимон қилгани ҳақида Россиянинг бир неча ахборот воситалари тарқатган хабарни рад этди. Вазирнинг айтишича, бу хабар «иғвогарона бўлиб, жамоат фикрини чалғитади».

13 октябрда Туркманистон газеталарида Афғонистоннинг Россия Федерациясидаги элчихонаси баёноти эълон қилинди. Унда жумладан, Туркманистон — Афғонистон чегараси дўстлик ва тинчлик ҳудуди деб эълон қилингани таъкидланади.

● **ГРЕЦИЯДА** социалистлар раҳбари А. Папандреу тузган янги ҳукумат таркиби эълон қилинди. К. Папульяс мамлакатнинг ташқи ишлар вазири, Г. Арсенис миллий мудофаа вазири этиб тайинланди.

● **ЖАНУБИЙ** Африка Республикасидаги ўнг жангарилар фуқаролар урушига тайёргарлик кўриб, қурол, ўқ-дори ва дори-дармон йиғмоқда. Йоханнесбургдаги «Стар» рўзномаси «обрўли манбаларга» таяниб шу ҳақда хабар қилди.

Газетанинг маълум қилишича, Трансвааль вилоятининг шимолидаги Сватерберге тоғларида ҳатто ичимлик суви ва ёқилғи заҳиралари жамланмоқда. Жангарилар асосий ўринларни Африка миллий конгресси вакиллар эгаллаши аён бўлган тузилажак ноирқий ҳукуматни тан олишни истамай, партизан урушини бошлашга уриняпти.

● **БУДАПЕШТДА** Венгрия мудофаа вазири Л. Фюр АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари штаби бошлиғи генерал М. Макпик билан учрашди. Мамлакат мудофаа вазирлигининг хабар қилишича, учрашувда Венгрия зобитларининг АҚШда таҳсил олиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОСИЁ ЕТАКЧИ ЎРИНДА

● ЖАҲОНДАГИ валюта жамғармаларининг 23 фоизи Осиё давлатларига тўғри келар экан, яъни масалан, Хитойнинг валюта жамғармаси 46,4, Сингапурники 39,9, Таиландники 20,4, Малайзияники 19,4, Жанубий Кореяники 17,1 миллиард доллар экан. Тайван эса Осиёдаги энг бой давлат бўлиб, у билан бирорта, ҳатто Япония ҳам беллашолмайди. Тайван бундан бир неча йил муқаддам 100 миллиард доллар валютага эга бўлган бўлса, эндиликда жамғармаси бироз камайган эрса-да, лекин барибир 84,93 миллиардни ташкил этиб, Осиёда биринчиликни бермай келаётир.

ҚОҒОЗ ҒИШТ, ҚОҒОЗ ДЕВОР, ҲАТТО ПОЙДЕВОР ҲАМ ҚОҒОЗДАН

● ЯПОНИЯДА қоғоз чиқиндиларидан ғишт, уй деворлари ва бошқа қурилиш материаллари тайёрлаш усули ишлаб чиқилди. Унга кўра, дастлаб қоғоз қийқимлари майдаланади, сўнг полиэтилен билан аралаштирилади. Тайёр бўлган суюқлик кучли босим остида турли хил шаклдаги қолипларга қуйилади. Мутахассисларнинг айтишларича, бу материал пишиқликда ёғочдан қолишмас экан. Дарвоқе, айрим мутахассислар биноларнинг пойдевори учун ҳам шу материалдан фойдаланса бўлади дейишмоқда.

Янги технологиянинг афзаллиги унинг иқтисодий самарасидагина эмас, балки чиқиндилардан қутулишнинг ҳам йўли топилганидадир. Бундан ташқари чиқиндиларни ёқиш борасида атроф-муҳитнинг заҳарли газлардан ифлосланиши ҳам камаяди.

Азиз муштарий, келгуси йилда ҳам ушбу рукнда берилаётган қизиқ-қизиқ хабарларни ўқишни истасангиз, газетамизга, албатта, обуна бўлинг. Шунда ҳар сонини канда қилмай ўқиб туришингиз кафолатланади. Сотувдан оламан десангиз, ким билади, тополасизми-йўқми.

Келгуси йилда бу рукнни янада кенгайтирмоқчимиз. Албатта, сизлар жўнатган қизиқарли хабарлар ва ўзимизнинг саъй-ҳаракатимиз эвазига. Демак, алоқаларимизни янада мустаҳкамлаймиз. Обуна бўлинг.

Қутлуғ кун

ЭЛГА БАХШИДА УМР

ФОЛЬКЛОРШУНОС ОЛИМ МАЛИК МУРОДОВ 60 ЁШДА



Инсон ҳаётининг шундай бир лаҳзалари бўладики, ўша дам босиб ўтилган йиллар сарҳисоб қилиниб, давом этажак умрни яна ҳам юксак мақсадлар сари йўналтиришга ўзини тайёрлаб олади. Буни илм-фан фидойилари тақдирида яққол кўриш мумкин. Ўзининг салоҳиётли олтмиш ёшини нишонлаётган ўзбек олимлари орасида филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов фольклоршуносликдаги қизғин фаолияти қирқ йиллигини муносиб кутиб олаётганлардан.

Ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқиқ қилиш билан астойдил шуғулланган бу фидойи олим элимиз маданиятига муносиб ҳисса қўшган фольклоршунос сифатида танилди. Профессор Малик Муродов қирқ йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида беш юздан ортиқ мақола, илмий рисола ва тўпламлар яратишга муяссар бўлди. У ўзбек фольклори фидойилари Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Ҳошимжон Раззоқов, Тўра Мирзаевлар қаватида фольклоршунослик фани ривожланиши учун ўз иқтидорини халқ оғзаки ижодига бахш этди. Олимнинг бевосита олиб борган изланишлари ўлароқ «Ижод дурдоналарини излаб», «Сарчашмадан томчилар», «Ўзбек Гўрўғли достонлари», «Алпомиш», «Рустамхон», «Зевархон», «Ҳиломан», «Жархун мастон», «Баҳром ва Гуландом», «Қоракўзойим», «Ўзбек халқ эртаклари» каби илмий монографиялар, фольклор матнлари ва тўпламлари, шунингдек «Ўзбек халқ фантастикаси» туркумидаги сеҳрли эртак тўпламлари халқ педагогикаси анъаналарига бағишланган «Ўзбек халқ анъанавий педагогикаси» номли икки жилддан иборат китоб ва «Олтин сандиқ очилди» номли беш жилддан иборат қатор китоблар юзага келди.

Домланинг «Одобнома», «Одатнома», «Ибратнома», «Нон қадри», «Ҳовли олма, қўшни ол», «Камтарга камол», «Ён қўшним, жон қўшним», «Маҳаллам бор-йўғим» сингари одамларни ота-боболаримиз удумлари билан таништирадиган долзарб рисолалари кўпчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

Фольклоршунос Малик Муродов 60-йиллардан бошлаб, ўзбек халқ достонлари муаммолари, уларнинг ривожланган жойлари, халқ достонлари образлари, типологияси ва поэтикаси масалалари билан шуғулланиб келади. Унинг бу соҳадаги изланишлари ўлароқ Жанубий Ўзбекистон достончилик мактаблари тўғрисида янги илмий фикр ва қарашлар юзага келди. Қашқадарё, Сурхондарё ва Туркманистоннинг Чоршанги туманлари достончилик мактаблари вакиллари репертуарлари ўрганилиб, улар ҳақида муҳим илмий маълумотномалар эълон қилинди. Ўзбек халқ достончилигига бетакрор достонлари билан фаолият кўрсатган Умир шоир Сафар ўғли, Шерна бахши, Қодир Раҳим ўғли, Чори ва Қора бахши Умир ўғли, Ҳазратқул Худойберган ўғли, Азим бахши, Хушвақт бахши, Боборайим бахши сингари қатор достончи-шоирлар ҳақида мақола ва рисолалар яратди. Бу ҳаракати билан ўзбек халқ оғзаки ижоди ва унинг достончилик мактаблари, умуман, халқ бахшилари тўғрисидаги тасаввурларни бойитиб, ўзбек маданиятининг такрорланмас бу санъати маънавий тарбияда қандай аҳамиятга эгалигини яна бир карра тасдиқлаб берди.

Малик Муродов фольклоршунослиқ фаолиятини ўзининг илк дорилфунунда олган филологик билимлари билан узвий боғлаган ҳолда олиб борди. Бу борада у кишининг 1966—78 йиллар Ҳамид Сулаймондек машҳур олим билан олиб борган ҳамкорликлари муҳим маълумотлар берди. Ўзбекистонда биринчи маротаба ягона Алишер Навойи номли давлат аҳамиятига эга бўлган музейнинг ташкил этилиши, бу муқаддас даргоҳ қошида эса Қўлёзмалар илмий текшириш институтининг юзага келишида профессор Малик Муродовнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

1978 йилдан эътиборан профессор Малик Муродов Ўзбекистонда янги ташкил этилган маданият институтида ёшларга халқ оғзаки ижоди ва унинг амалий аҳамиятлари бўйича дарс бера бошлади. Бу олий ўқув юрти халқ оғзаки ижодиёти билан шуғулланиб келаётган олимнинг истеъдод қирраларини очиб юбориш учун ўзига хос таъсир ролини ўйнади.

Малик Муродов Ўзбекистонда маданият тараққиётини ҳеч қачон халқ оғзаки ижодисиз тасаввур этмаган олимдир. Чунки замонавий маданий-маърифий соҳа асосини фольклор ташкил этиши ҳеч исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлиб, бу соҳада ҳам у кишининг «Ўзбек фольклор-этнографик ансамбллари», «Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий муассасалари», «Фольклор байрам сайллари», «Фольклор ва этнография» сингари қатор рисола ва қўлланмалари майдонга келди. Булардан ташқари, маданиятнинг ҳар доим маърифат билан диолектик алоқадорлигини кўрсатишда «Китоб қадри», «Ўзбек библиофиллари», «Китобсиз уй — қуёшсиз кун», «Болалар кутубхоналари: муаммолар, муаммолар...» каби кутубхонашунослик масалаларига тааллуқли ишлар ҳам яратдики ,улар замонавий ўзбек маданиятини ривожлантириш, унинг миллий тараққиётига муносиб ёрдам бера оладиган хусусиятга эга тадқиқотлар дейиш жоиз.

Малик ака қамрови кенг олим сифтида Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон, Тоғли Олтой, Молдовиядаги Кўкўғизлар, Туркия, Озарбайжон фанлари академиялари, уларнинг фольклоршунос, элшунос олимлари билан тинимсиз алоқада. У кишининг Туркияда нашр этилган қатор журнал ва газеталарда илмий иш ва маданий алоқалар бўйича эълон қилган хаборотлари фикримиз далилидир. «Она юртдан ота юртгача» (Анқара), «Турк дунёси ўзанлари саси» (Анқара), «Қазақ эдэбияти» (Алмати), «Байроқ» (Истамбул) каби журналларда олимнинг турли мавзудаги мақолалари эълон қилинди. Малик Муродов «Она юртдан ота юртгача» журналининг таҳририят аъзоси ва унинг Ўзбекистон бўйича вакили ҳисобланади.

Малик Муродов Ўзбекистон тарихини ривожлантириш, тарихий шахслар фаолиятини тиклаб, ўсиб келалаётган авлодларга собиқ қизил империя даврида қораланиб қолган оталарининг ҳақиқий ишларини кўрсатишда ҳам бош-қош бўлаётир. 1991 йил «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетаси ва бир гуруҳ зиёлилар ташаббуси билан «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» деган уч йўналишни ўз ичига олувчи экспедиция ташкил этилганди. Малик ака ҳам шу экспедициянинг фаол аъзоси сифатида «Амир Темур ҳақида афсоналар», «Амир Темур ўгитлари» номли халқ оғзаки ижоди намуналари эълон қилди.

Домланинг раҳбарлигида 30 га яқин фан номзодлари ва фан докторлар диссертацияларини ҳимоя қилган, яна 20 тадан ошиқ ёш тадқиқотчилар халқ оғзаки ижоди муаммолари бўйича фан номзодлиги, фан докторлиги илмий даражасини олиш ҳаракатида ишламоқда. Улар орасида фақат ўзбек тадқиқотчиларидан ташқари, қозоқ, қирғиз, турк биродарлар ҳам муваффақиятли иш олиб боришмоқда.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
А. Қодирий номли Тошкент давлат маданият институти, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори.
Ўктам НОСИРОВ,
шу институт доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Қуръонни сотган одам

(Боши 3-бетда).

ротнинг ташкилотчиларидан бири ҳам мана шу қози эди. Тўражонзода республика мусулмонларининг раҳнамоси сифатида ақидапарастлар билан собитқадам мусулмонларни яраштириш, улар ўртасида бир-бирига ҳурмат уйғотиш ўрнига ҳар хил йўллар билан уларни бир-бирига гижгижлар эди. «Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга солодур» — бу мақолни қозининг асосий шиори десак хато бўлмайди.

Тўражонзода Отахон Латифий ва Мақсуд Икромов сингари «демократ»лар билан алоҳида муносабат ўрнатди. Латифий унга эски, бу дунёнинг казо-казоларини биладиган тажрибали журналист сифатида керак эди. Шунинг учун ҳам қози Латифийдан сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида фойдаланарди. Икромов билан эса йирик молиявий ва уй савдоси билан боғлиқ найрангбозликларни амалга ошириш мумкин эди. Бу иккала «дўст», собиқ партия ходимлари кейинчалик ўз бошлиқларининг ашаддий ғоявий душманига айланиб, ислом ақидапарастларига малайлик қилишлари ҳам ажабланарли ҳол эмас.

Тепаликдан юмалаган кишининг ўзини тўхтатиб олиши қийин. Қози ҳам шу тариқа тубанликка юмалаб кетаверди. У манманларча ва виждони қийналмасдан иш тутиб, қозиликда ҳаммаслаклари билан штаб ташкил этди. Бу штабда жангарилар йиғилар, уларга қурол тарқатилар, қийноқлар, сўроқлар ўтказилар эди. Оллоҳ уйида қон ҳиди анқий бошлади. Ифлос, соч-соқоли ўсган, ниқобли ҳарбий кийим кийган, қўлида автомат тутган кимсалар тўлиб кетди. Спиртли ичимликлар, қорадори пайдо бўлди. Ҳар хил жанжаллар чиқа бошлади, Фақат Оллоҳ номи зикр этилиши лозим бўлган муқаддас даргоҳда сўкинишлар эшитила бошлади. Буларнинг барчасини кўриб турган қозилик ходимлари, жумладан қозининг қариндошлари ҳам ғазабга келган, аммо ҳеч ким бу ғазабини ошкора ифода қила олмас эди. Жума намозига келган намозхонлар бу ердаги «томоша»ни кўриб, намоз ўқиш учун бошқа мачитларга кета бошлади. Мусулмон оламидаги биронта мачит — Оллоҳ билан мулоқот, тавба-тазарру қиладиган муқаддас даргоҳ бу ердагидек оғости бўлмаган, ўрта аср зиндонига айлантирилмаган бўлса керак. Буларнинг барчаси қозининг иродаси билан амалга ошарди. Қози бу ерда, қозихонада туриб жиҳодга даъват этувчи ваъзлар айтар, бу ваъзлардан ҳамда ароқ ва қорадоридан бошлари айланган жангариларни кўлобликлар, ўзбеклар, руслар ва бошқа қозига ёқмаган кишиларни ўлдириш учун Қўрғонтепага юборар эди. Бу ишларни амалга ошириш учун қурол, қурол сотиб олиш учун эса пул керак бўларди. Қози қозилик ҳамда собиқ Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг диндорлар ҳожатига мўлжалланган маблағини ҳеч бир иккиланмасдан мана шу мақсадга сарф қилаверди.

Айрим диндорларни қурол ва ўқ-дори олиб келиш учун чегарани бузиш, одамларни гаров тариқасида ушлаб туриш, ўғрилик, қотиллик сингари жиноятларга бошлаган, уларни бир-бири билан ҳам уриштириб қўйганлардан бири ҳам мана шу Тўражонзода бўлади.

Ҳозир у моддий жиҳатдан олдингидан яхши яшаса яшаяптики, ёмон яшаётгани йўқ Жазодан қочиб юрган қози араб мамлакатлари республика мусулмонларига ҳадя қилган миллион долларни олиб кетиб, Макка яқинида сотиб олган уйида хотини ва фарзандлари билан истиқомат қилмоқда. Бошқа қариндош-уруғлари — отаси ва ака-укалари билан иши ҳам йўқ. Улар ҳозир бутун МДҲ бўйлаб сочилиб кетишган. Таҳликалардан қутилган ва «йўл азоби»дан кейин хордиқ олиб бўлган Тўражонзода эса, Ўрта осиёлик бошқа муҳожирлар орасида ўз халқи ва республикаси устидан мағзава ағдариб юрибди. Барчани «жиҳод»га чорламоқда. Аммо муҳожирларнинг кўпчилигига унинг кимлиги аён бўлиб қолган. Улар қозининг юзига тик қараб, унинг ўн минглаб одам ҳалокати айбдорларидан бири эканини айтмоқдалар, мусулмон юртдошларининг қонини тўккани учун Худо олдида жавоб беришдан қўрқиш-қўрқмаслигини сўрамоқдалар. Тўражонзоданинг тожиклар бир-бирини ўлдираверсин, «беш миллион тожикдан бир миллиони қолса бўлди—бошқариш осон бўлади», деганини ҳамма эшитган, ахир. Қуръонда инсон ҳаёти, шариат қонунлари ва покиза ниятлар улуғланишини билган қози учун инсон ҳаёти бир пул бўлиб қолган. Ислом — аслида тинчлик дегани. Исломга хизмат қиладиган ҳар қандай киши инсонлар ўртасида тинчлик, инсонпарварлик, дўстлик ва иззат-ҳурмат уруғларини сочиши лозим. Тўражонзода эса буларнинг бутунлай аксини қиляпти.

Тўражонзода ҳали ҳам қасос олиш ва ўзининг айби билан не жафоларни бошидан кечирган Тожикистонга оқ отда кириб келиш орзуси билан яшайди. Бу ерда «ишлагани»да унинг вазифаси шиорлар ташлаш ва бузғунчиликларга даъват қилишдан иборат эди. У бу ишни яхши уддалаган ҳам эди. Ҳозир эса, мухолифат кучлари етакчиларининг бири сифатида халқаро фаолиятини кенгайтириб юборган. Бўзчининг мокисидек гоҳо Покистонда, гоҳо Эронда, гоҳо Афғонистонда пайдо бўлиб қолади. Кейин Саудия Арабистонига келиб, «покланади». Қаерга бормасин, ёлланган каллакесарлар ва чет эллик йўл-йўриқ ўргатувчиларга ҳақ тўлаш учун доллар, замонавий қурол-яроғ ва бошқа нарсалар тиланади. Бу ишларни у Тожикистон Республикасининг ҳозирги қонуний ҳукуматини ағдариш ва яна ватандошларини қириш ниятида қиляпти. Ўзи эса Саудия Арабистонида қўриқчилар ўртасида мазза қилиб яшаш тарафдори. Тўғри-да, бу ерда боши узра ўқлар чийилламайди, офтоб куйдирмайди, ертўла битлари таламайди, яқинлари, қариндош-уруғлари соғ-саломатми, устлари бут, қоринлари тўқми, деган ташвишли саволлар уни қийнамайди. Аммо, ҳеч ким тақдиридан қочиб қутулолмайди. Тўражонзода Оллоҳ номи билан қилган қонли гуноҳларни Оллоҳнинг ўзи кўриб турибди. У ҳар бир бандасини қилмишига яраша жазолайди.

«Бизнес и Политика» ҳафталигининг 1993 йил, 38-сонидан олинди.

---

02 хабар қилади:

Гугурт қутидаги заҳар

Шўрчи тумани ички ишлар бўлими ходимлари шу ҳудудда яшовчи бир аёлдан 600 дан зиёд гугурт қутисини тортиб олдилар ва ичидаги модда билан йўқ қилиб ташладилар. Айёр чайқовчи сотиш учун мўлжалланган нашани гугурт қутиларига жойлаган экан. Бангфуруш устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Кучларни бирлаштириб

Франция жандармериясининг икки зобити — Рэторо Жан Мари билан Марк Левес Самарқандда бўлиб, шаҳар ва вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг гиёҳвандларга ва бангфурушликка қарши кураш бўйича олиб бораётган ишлари билан танишдилар. Улар таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар қонунга хилоф равишда ўстирилаётган ерларни аниқлаш ва ўсимликларни йўқ қилиб ташлаш операцияларида қатнашдилар.

Франция жандармериясининг вакиллари журналистларга ўз таассуротларини сўзлаб беришди, кўкнори қандай ўсишлигини бу ерда биринчи марта кўрганликларини айтишди. Улар самарқандлик ҳамкасбларининг бориш қийин бўлган тоғ оралиғида таркибида наркотик модда бўлган экинларни аниқлаш ва йўқ қилиш борасидаги матонат ва саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бердилар. Меҳмонлар кўпгина мамлакатларда асримизнинг чинакам фалокатига айланган гиёҳвандликка ва бангфурушликка қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар.

[ЎзА мухбирлари].



Қадимий Самарқанд замини тоғу-тошлардан, кенгликлардан иборат. Юқоридаги суратда Ургут тумани манзараси кўркига-кўрк қўшиб турган Тешик тош акс этган.

Суратчи Т. НОРҚУЛОВ. (ЎзА).

Газета саҳифаланаётганда:

Инсофсизга шафқат йўқ

Навоий вилояти божхонаси ходимлари йил бошидан буён четга олиб чиқиб кетилаётган 30 миллион сўмлик моддий бойликларни ушлаб қолди. Халқимиз ризқига хиёнат қилганларга маъмурий чора кўрилди, улардан 1 миллион 532 минг сўм миқдорида жарима ундирилди.

Томди тумани Оёққудуқ посёлкаси ҳудудида давлат рақами «Ж 2707 БХ» юк машинаси текшириб кўрилганда, унга қиймати қарийб 3 миллион 363 минг сўмлик 5 минг 705 килограмм пахта ёғи юклангани маълум бўлди.

Машина ҳайдовчиси, Ғиждувон тумани «Оқолтин» жамоа хўжалигида яшовчи Одил Йўлдошев маҳсулотни Зарафшон шаҳрида номаълум бир шахсдан харид қилганини айтиб, уни чет республикаларидаги шаҳарлардан бирига олиб кетаётганини яширмади.

Наҳотки, ўзини «ишбилармон» санаётган бундай кимсалар қариндош-уруғлари, юртдошлари насибасини «туя» қилаётганини ўйламаса?

И. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

Келгуси сонда:

- ● БУ ЮРТНИ ФАРАНГИСТОН ДЕЙДИЛАР
- ● ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Жиноят ва жазо

Ўғрини қароқчи урдими?..

Камбағални туянинг устидаям ит қопади, дейишади. Саодат ҳам туппа-тузук яшаб юрганди. Бировдан ортиқ, бировдан кам. Талабалик нафақасининг ўзига қорни тўяётганди. Негаям шу олди-соттига аралашди. Ота-онаси не умидлар билан пойтахтга жўнатганди-я. Энди бир қаллобнинг қўлида умри бевақт хазон бўлса... Ҳаёт гўзал, бу неъмат учун 35 минг сўм нима деган гап?

«Айтган пулни опкелсанг, опкелдинг, бўлмаса ётоқхонанинг 4-қаватидан бехосдан тушиб кетишинг мумкин. Сен ўша зўрға кирган институтдан бир имо билан ҳайдатиб юбораман. Қаерга ҳам борардинг, орқа қиладиган суянчиғинг бўлмаса...»

Чиндан ҳам ўртоқларидан бошқа суянчиғи йўқ эди унинг бу юртда. Қувончниям, ташвишниям бир-иккита дугонаси билан баҳам кўрар, қаердан билибди уларнинг ичида оласи борлигини, Саодати тушмагур.

— Яхши ниятда икки-учта атир олиб қўйгандим, заруратдан сотмоқчиман, ўзининг уқуви йўқлигидан ўртоғи Ноиладан илтимос қилди. Ноила ўшанда дарров кўнақолганди.

Эҳ, воқеалар бунақа тус олишини билганида Ноила ҳам Саодатнинг таклифига рози бўлмасмиди...

Ноила Саодат таҳсил оладиган олий билимгоҳда — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 4-курсида ўқийди. Ўша илм даргоҳининг 1-талабалар ётоқхонасида Навбаҳор деган қиз билан бир хонада яшашади.

Атирни олишга олди-ю, кейин уйга чўмди. Нима қилсин, устига озроқ қўйиб, пулласа...

Ҳаёл билан бўлиб, хона эшиги тақиллаганини ҳам сезмай қолди. Қараса Тўлқин. Остонада жилмайиб турибди.

Ноила Тўлқинни анчадан бери билади. Навбаҳорнинг таниши. Ёмон боламас. Лекин қизлардан кимдир унинг ҳарбий хизматда қамалганини айтганди. Ё Тўлқиннинг ўзи мақтанганмиди-ей, аниғи эсида йўқ. Аксига олиб Навбаҳор хонада йўқ эди.

Сўрашишди. Гапдан-гап чиқиб суҳбат нарх-навонинг кундан-кунга осмонга сапчиётгани-ю, кун кўришнинг тобора оғирлашиб бораётганига тақалди. Шунда, Ноила бехосдан атирлар ҳақида гап очди.

— Бир дугонам атир ташлаб кетганди, керакмасми?— сирли нигоҳ ташлади Ноила.

— Кўпми?

— Ҳе, йўқ, 4 дона холос. Биттасини ўзим олмоқчиман

Шу билан савдо пишди. Тўлқин бир амаллаб атирларни ўтказадиган бўлди.

Орадан 3—4 кун ўтгач, аниқроғи шу йилнинг 12 май куни Саодат атирлари нима бўлгани билан қизиқди. Ноила бир донасини ўзи олганлигини, пули (3500 сўм)ни эса кейинроқ беришини унга айтди. Қолганларини Тўлқин исмли йигит тез орада сотиб, беришини айтиб, дугонасининг кўнглини тинчлантирган бўлди.

Атирларнинг бозори касод бўлганми, нимагадир Тўлқин ҳам уларни ўтказолмади. У Ноилага икки дона атирни қайтариб берди. «Биттасининг пулини 17 май куни олиб келаман», деди у ётоқхонага келганда.

Тўлқин бу сафар алдамади. Бир дона атир учун 3500 сўм санаб берди. «Эътироз билдирмасанг, ўша қиз Саодат билан танишсам», деди Тўлқин ялтоқланиб Ноилага.

Ноила унинг кўнглидагини билиб олмоқчи бўлгандек Тўлқинга қаради. У хиёл кулимсираб турарди. Кўзларида нимадир бор. «Йигитлар нега шунақа-я?» ўз-ўзига савол берарди у. — Оиланг бўлса, фарзандинг бор, хотининг эрта-индин кўзи ёрий деб турган бўлса-ю...»

Қиз истар-истамас институтнинг 2-ётоқхонасига йўл олди. У ерда Саодат турарди. Атроф зим-зиё бўлса-да, талабалар кўп эди.

— Тўлқин келди, хонамга юринг. Атирнинг пулини бермоқчи, — Ноила шоша-пиша Саодатнинг чиқишини ҳам кутмасдан ортга қайтди.

Танишиш борасида талаба халқининг олдига тушадигани йўқ. Ноиланинг хонасига тўпланган Дилафруз, Навбаҳор, Зулфия, Тўлқинлар бир зумда эски қадрдонлардек апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Бир пиёладан иссиқ чой ҳам хўплашди. Аммо... Танишувдан мақсад ўзга эди. Тўлқин Саодатни тузоғига илинтириш учун махсус режа ишлаб чиққанди. Унинг орқасида нима ётгани ҳали мавҳум.

Тўлқин даб-дурустдан қизлардан уларни ҳоли қолдиришларини, Саодатда муҳим гапи борлигини айтиб қолди. Қизлар бундай «илтифот»ни кутишмаганди.

Хонада уч киши, Дилафруз, Саодат ва Тўлқин қолишди. Саодат Дилафрузнинг чиқиб кетишини истамади. Нимагадир кўнгли хижил эди. Гап ҳадеганда қовушавермади. Тўлқин ниҳоят «ниқоби»ни ечди.

— Ноилага бир дона атирни қанчага пулладинг. — Тўлқин Саодатга юзланиб уни саволга тутди

— 3500 сўмга, — деди Саодат бундай дағал муомалани кутмаган бўлса-да.

— Сотганингга неча кун бўлди?

— Ўн кун.

— 3500ни ўнга кўпайтирсанг қанча бўлади?

— 35 минг.

— Бўлмаса, яхшилаб қулоғингга қуйиб ол. Шанба куни ўша 35 минг сўмни менга берасан. Ҳа, менга!

— Берасан! Мабодо айёрлик қилсанг, мендан кўрасан кўрадиганингни. Тушиндингми?

Саодат нима қилишини билмай ўрнидан турди.

Тўлқин шахд билан унинг қўлидан тортиб, жойига ўтирғизди-да, юзига шапалоқ тортди.

— Мен сен билан ҳазиллашмаяпман, тушундингми? Агарда бирор кишига бу ҳақда оғиз очсанг, ўлдим деявер.

Тўлқин дағ-даға қила-қила хонадан чиқди. Саодат ва Дилафрўз ҳанг-манг бўлиб, бир-бирларига бақрайиб қолишди.

— Ҳаммангизнинг тилингиз бир. Буни уюштиргансизлар, — Саодат хонага қизлар кириши билан жаҳл устида бақириб юборди. — Товламачилар.

Воқеа эртасига янада жиддий тус олди. Тўлқин Саодат яшайдиган хонага бориб, яна кучини кўрсатди... «Билиб қўй, бехосдан тўртинчи қават деразасидан тушиб кетишинг мумкин... 35 минг сўмни шанба куни бермас экансан, сенга тинчлик йўқ. Ўқишингни ҳам ўйлаб кўр...»

Бу орада қизлар Тўлқинни кўриб, уни ҳовуридан туширмоқчи бўлишди. Ялиниб ҳам кўрдилар. Қиз унга катта кетган эмиш. Нафсониятига тегибди йигитнинг.

Тошкент Педиатрия институтининг 4-курс талабаси Саодат Тўраеванинг вилоят ички ишлар бошқармасига нажот истаб боришдан ўзга чораси қолмади. Шу йилнинг 7 июнь куни товламачилик йўли билан пул ишлашни ўзига эп кўрган «йигит» Тўлқин Азимов Саодат Тўраевадан унинг хонасида 35 минг сўм пулни олиб кетаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Шу йилнинг 7 сентябрь куни Тошкент вилояти Қибрай тумани халқ суди бу ишни ўзининг очиқ судида кўриб чиқди. Тўлқин Азимовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 28-модда, учинчи қисмидан 1-қисмига қайта квалификация этилиб, 2 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Жазони умумий режим ўрнатилган меҳнат-аҳлоқ тузатиш колонияларида ўташи кўрсатиб ўтилди.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА: «Ҳақиқат қарор топдими?»

Биз бу савол билан Қибрай тумани прокурори ўринбосари Аҳмаджон Бобобековга мурожаат қилдик. У шундай деди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг шахсан ўз ташаббуслари билан жиноятчиликнинг олдини олиш, уни таг-томири билан қўпориб ташлаш тўғрисида жон куйдираётган жамиятимиз ҳуқуқий давлат тузиш йўлида мустаҳкам одим босаётган бир пайтда бу жиноятнинг жуда енгил баҳоланиши мени таажжублантирди. Судланувчи Тўлқин Азимов муқаддам ҳарбий трибунал томонидан давлат мулкини ўзлаштиришда айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган. У бундан тегишли хулоса чиқариб ололмаган. Суд ҳукмида афсуски, масаланинг бу жиҳатларига эътибор берилмади. Вилоят судининг дастлабки босқичида ҳам ҳозирча у ўзгартирилмади.

Талабалар ўртасида эса жиноий ишлар тобора ортиб бормоқда. Товламачилик, қўрқитиш, ҳаёт учун хавфли бўлган зуғумлар кўпаймоқда. Бунинг бош сабаби жиноят аломатларининг тўлиқ ўрганилмаётганлиги, унга етарлича муносиб жазо берилмаётганлигида, деб ўйлайман. Биз мазкур ишнинг қайта кўриб чиқилиши учун вилоят прокуратураси орқали тақдимнома киритдик.

Муҳаммад АМИН,
«Туркистон» махсус мухбири.

Бош муҳаррир ўринбосари: Аҳрор АҲМЕДОВ
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА,
З.МАМАДАЛИЕВ, Ж.РАЗЗОҚОВ *(бош муҳаррир)*,
К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ *(масъул котиб)*,
С.РУСТАМОВ, Б.ЮСУПОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй..
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00130. Буюртма Г. 591 58752 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.30